O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KUTUBXONASI
INV.№

Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: halksuzi@uzpak.uz ● 2002 йил 6 ноябрь, №240 (3068) Чоршанба

Божхона хизматини ташқи алоқаларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Тарихда, жуда қадим замонлардан бери давлатлар ўзларининг божхонага оид қонунлари ва божхона тўловлари ҳақидаги маълумотларни ўзаро алмашиб келишган. Негаки, бирор савдо карвони узоқ йўлга отланаркан, боражак давлатдаги бож-хирож миқдори ва шу каби бошқа қонун-қоидалардан аввалдан хабардор бўлиши лозим эди.

1991 йилда ташкил қилинган Ўзбекистон Республикаси миллий божхона хизматига Президент фармонлари ва ҳукумат қарорларига биноан, кенг ваколатлар берилган. Божхона хизматига оид ташқи алоқалар олиб бориш салоҳияти ана шундай ваколатлар жумласидандир.

Божхона тарихида янги саҳифа

Ўн йил давомида МДҲ давлатлари ҳукуматлари ва божхона хизматлари билан божхона ҳамкорлиги тўғрисида бир қанча битимлар имзоланди. Айниқса, охирги йилларда давлатлар ўртасидаги сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳамкорликнинг янада ривожланиши натижасида божхона соҳасидаги халқаро алоқалар ҳам фаоллашди. Бунинг натижаси ўлароқ, Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан тўққизта МДҲ давлати, шу билан бирга, Покистон, Туркия, Германия давлатлари ўртасида ҳукуматлараро шартномалар, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ва Эрон Ислом Республикаси ҳукуматлари ўртасида гиёҳвандлик моддаларни ва психотроп воситаларнинг ноқонуний айланишига қарши курашда ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги меморандум имзоланди. Республикамиз божхона органлари Жаҳон божхона ташкилоти (ЖБТ) сессиялари ишида ҳам фаол иштирок этиб келмоқда. 2000 йилда республикамиз мазкур халқаро ташкилотнинг молиявий қўмитаси таркибига қабул қилинди. Шу йилнинг ўзида ЖБТ Бош котиби Мишел Дане республикамизга хизмат ташрифини амалга оширди. Ташриф давомида у Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ў.Султонов, Бош вазир ўринбосари Р.Юнусов ва ташқи ишлар вазири А.Комилов билан музокаралар олиб борди. Ушбу музокаралар чо-

Анжумандан сўнг

ғида Буюк Ипак йўли давлатлари божхона хизматлари раҳбарлари ва бир қатор халқаро ташкилотлар вакиллари иштирокидаги халқаро анжуманни 2001 йилда юртимизда ташкил этиш режаси Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган ва уни Тошкент шаҳрида ўтказиш таклифи илгари сурилган эди. Мишел Даненинг таклифи Ўзбекистон божхона органларининг бу борадаги фаолияти юқори баҳоланганидан келиб чиққан эди. Ушбу йирик халқаро анжуманни Тошкент шаҳрида ўтказиш тўғрисидаги таклиф Президентимиз Ислом Каримов томонидан маъқулланган эди.

Юқорида айтилганидек, Давлат божхона қўмитаси томонидан ҳуқуқни ҳимоя қилувчи бошқа ташкилотлар, шунингдек, вазирлик ва идораларнинг масъул ходимлари билан ҳамкорликда халқаро анжуманга пухта ҳозирлик кўрилган ва уни 2001 йилнинг октябрь ойида ўтказиш мўлжалланган эди. Аммо ўтган йилнинг 11 сентябрида АҚШда содир этилган террорчилик хуружи конференцияни ўтказиш вақтининг кейинга сурилишига сабаб бўлди. Натижада ўтган бир йил вақт ичида ташкилотчилар олдида нуфузли халқаро анжуманга янада пухта ҳозирлик кўриш имконияти пайдо бўлди.

Шундай қилиб, 29-31 октябрь кунлари пойтахтдаги «Интерконтинентал» меҳмонхонасида Жаҳон божхона ташкилоти шафелигида ўтказилган халқаро конференция ниҳоясига етди. Буюк Ипак йўли бўйида жойлашган давлатлар гиёҳвандлик моддаларнинг ноқонуний айланишига қарши курашига бағишланган ушбу анжуманда ўттизга яқин мамлакатнинг божхона идоралари ва еттита йирик халқаро ташкилотлар делегациялари иштирок этди.

(Давоми 2-бетда).

«Кварц»нинг истиқболи баланд

Мамлакатимиз ички ва ташқи бозорини ривожлантиришда Қувасойдаги "Кварц" акционерлик жамиятининг алоҳида ўрни бор. Айниқса, сўнгги йилларда корхонанинг иқтисодий салоҳияти, халқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришдаги ўрни янада ошди. 15 миллион 800 минг евро миқдорида хориж инвестицияси жалб этилган ушбу корхонада яқинда яна бир тармоқ — силлиқланган ойна ишлаб чиқариш цехи маҳсулот чиқара бошлади. Бу ерда автомобиль ойналари, темир йўл вагонлари ва мебелсозликда ишлатиладиган ўта чидамли ва пухта силлиқланган ойна маҳсулотлари ишлаб чиқарилаётир. Илгари бу маҳсулотлар асосан хориждан келтириларди. Энди эса ўзимизда ишлаб чиқарилмоқда.

СУРАТЛАРДА: *маҳсулотларни сақлаш бўлими мудири Замира Тешабоева ва технолог Липара Хабибулина; корхона ишлаб чиқариш цехларининг кўриниши.*

Ш. ОЛИМОВ (ЎзА) олган суратлар.

Олий Мажлисда

Мутахассислар ишонч билдиришди

Кредит уюшмаси мамлакатимизда янги молия институтидир. У юридик ва жисмоний шахслар томонидан ўзаро кредитлар бериш мақсадида тузиладиган мустақил ташкилий-ҳуқуқий шакл — банкдан ташқари кредит ташкилоти ҳисобланади. Кўпчилик мутахассислар унга банк тизими хизматини тўлдирувчи алоҳида муассаса сифатида ҳам қарашади. Аслида, бу тўғри эътироф. Негаки, кредит уюшмасининг аҳолига хизмат кўрсатадиган хизматларининг бир қатор афзаллик ва эътиборли жиҳатлари бор. Шу боис ҳам мамлакатимиз Президенти парламентимизнинг VII сессиясида сўзлаган нутқида айни тизимни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратди. Ва, шу йилнинг ўзидаёқ Олий Мажлис томонидан «Кредит уюшмалари тўғрисида»ги Қонуннинг қабул қилиниши бу йўлда ташланган муҳим қадам бўлди.

Хўш, мамлакатимизда кредит уюшмалари фаолиятини бошқаришнинг ҳуқуқий асослари етарли даражадами? Айни тизимни яратиш борасидаги халқаро ҳамкорлик қай аҳволда?

Кеча Олий Мажлиснинг Бюджет, банк ва молия масалалари қўмитаси, Марказий банк, Осиё тараққиёт банки, АҚШ Халқаро тараққиёт бўйича агентлиги ва Кредит уюшмалари Умумжаҳон Кенгаши томонидан ташкил этилган «Ўзбекистонда кредит уюшмалари тизимининг ривожланиш истиқболлари ва жаҳон тажрибаси» мавзуида бўлиб ўтган амалий семинарда ана шу саволларга жавоб изланди.

Марказий банк, турли вазирлик ва идоралар, шунингдек, халқаро ташкилотлар вакиллари ҳамда халқаро маслаҳатчилар кун тартибидаги масалалар бўйича ўз фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашишди. Семинарда таъкидланганидек, ҳозирги кунда кредит уюшмалари Умумжаҳон Кенгаши томонидан кредит уюшмаларини қўллаб-қувватлаш мақсадида «Ўзбекистон қишлоқ ҳудудларида кредит уюшмаларини сайёр тарзда тестдан ўтказиш» лойиҳаси амалга оширилмоқда. Ушбу лойиҳа Осиё тараққиёт банки ва АҚШ Халқаро тараққиёт бўйича агентлигининг молиявий қўмагида амалга оширилмоқда. Лойиҳанинг асосий мақсади мамлакатимизда кредит уюшмалари миллий тизимини яратишда техникавий ёрдам кўрсатишдан иборатдир.

Семинарда иштирок этган нотиқлар кредит уюшмалари ўз фаолиятларини амалга оширишда дуч келаётган қатор масала ва муаммоларни ҳам тилга олишди. Маълум бўлишича, Ўзбекистонда кредит уюшмалари тизимининг келажаги ушбу масалаларнинг ҳал этилишига боғлиқ. Шу муносабат билан семинар натижаларига кўра, Фуқаролик кодекси, Солиқ кодекси ва Марказий банкнинг норматив ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш юзасидан тавсиялар қабул қилинди. Халқаро мутахассис ва маслаҳатчилар бундан роппа-роса 155 йил муқаддам илк бор Германияда ташкил этилган айни тизимнинг мамлакатимиздаги келажаги истиқболли эканлигига катта ишонч билдиришди. Зеро, юртимизда бу соҳа йўлида олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар бунга қатъий ишонч уйғотади.

Ф.САНАЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Демократия, фуқаролик жамияти ва Ватанга хизмат

Республика Маънавият ва маърифат Кенгаши республика Хотин-қизлар қўмитаси, Мудофаа вазирлиги ва "Ватанпарвар" газетаси билан ҳамкорликда Тошкентдаги ҳарбий қисмлардан бирида айни шу мавзуга бағишлаб маънавий-маърифий тадбир ўтказди. Унда асосий эътибор Ўзбекистон Республикаси Президентининг иккинчи чақириқ Олий Мажлис тўққизинчи сессиясидаги маърузаси моҳиятини тушунтиришга қаратилди.

Бугун шу азиз Ватан ҳимояси кимнинг қўлида?

Хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш учун биринчи галда ким масъул?

Демократик жамиятда армия қандай бўлиши керак?

Юрт тинчлиги, Ватан равнақи, турмуш фаровонлигини таъминлаш бевосита аскарлар маънавий-маърифий баркамоллигига қай даражада боғлиқ?

"Демократия — фуқаролик жамияти", "Армия ва ислоҳот", "Ватан ҳимояси, адабиёт ва матбуот" мавзуларидаги чиқишларда шу масалалар атрофлича ёритилди.

Республика Маънавият ва маърифат Кенгаши ҳамда республика Хотин-қизлар қўмитаси қошида фаолият олиб бораётган ҳарбий қисмларда интизомни мустаҳкамлаш, соғлом аҳлоқий муҳитни шакллантириш юзасидан тузилган комиссия дастурига киритилган бундай тадбирлар мамлакатимизнинг бошқа ҳудудларидаги ҳарбий қисмларда ҳам ўтказиладиган бўлди.

Маънавий-маърифий тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси Д.Ғуломова сўзга чиқди.

Мурод ҲОШИМОВ.

Тола сифатига "Рицарлар биллури"

Жалолқудуқдаги «Сўфиқишлоқ» пахта тозалаш ҳиссадорлик жамиятининг маҳсулотлари европаликларга манзур бўлаётир.

Қайта ишловчилар жалолқудуқлик пахтакорлардан 27 минг тоннадан зиёд қимматбаҳо саноат хомашёси қабул қилиб олдилар. Унинг 6500 тоннаси қайта ишланди ва 1100 тонна тола Швейцария, Бельгия, Англия сингари қатор мамлакатларга экспорт қилинди.

Яқинда Мальта давлатида ўтказилган халқаро танловга таклиф этилган корхона раҳбари Авазбек Маниёзов у ердан нуфузли мукофот — "Рицарлар биллури" билан қайтди.

ЎЗБЕКИСТОН МУСУЛМОНЛАРИГА РАМАЗОНИ ШАРИФ ТАБРИГИ

Ассалому алайкум азиз ватандошлар, аҳли ислом, мўъмин-мусулмон биродарлар. Муборак Рамазон ойи кириб келиши муносабати билан барчаларингизни Ўзбекистон мусулмонлари идораси Уламолари Кенгаши ва шахсан ўз номимдан муборакбод этаман. Бу улуғ ойнинг кириб келишини интизорлик билан кутган ватандошларимиз қалбларига сокинлик, хотиржамлик ато этади.

Унинг файзу баракоти хонадонларимизни мунаввар айласин!

Ҳаётимизнинг барча жабҳаларида содир бўлаётгани каби, диний соҳада ҳам жуда катта ўзгаришлар рўй бермоқда. Динимиз буюрган барча аҳкомларни, алҳамдулиллоҳ, эмин-эркин бажармоқдамиз. Бу соҳага оталарча ғамхўрлик кўрсатиб келаётган муҳтарам Юртбошимизнинг саъй-ҳаракатлари туфайли энг қулай шароитларда Ҳаж ва Умра амалларини адо этиб келмоқдамиз. «Дин афъюн» деб эълон қилган мустабид тузум давридаёқ эл суйган раҳбаримиз Рамазон ҳамда Қурбон ҳайити кунларини байрам — дам олиш куни деб эълон қилиб, жасорат намунасини кўрсатган эдилар. Алҳамдулиллоҳ, доруломон кунларга етиб келдик, унутилаёзган қадриятларимиз, одатларимиз, динимизга қайтдик. Бу кунларнинг қадрига етмоқ ва шукроналарини қилмоқ керак.

Рамазони шариф тоат-ибодат, файз барака, тинчлик ва хотиржамлик ойидир. Бу қутлуғ ойда, иншоаллоҳ, гуноҳлар ювилажак, тавба, чин дил ва ихлос билан қилинадиган дуолар мустажоб бўлажак. Ҳар бир рўзадор бу ойда покиза бўлиб, яхши ниятлар қилмоғи, ўзгаларга раҳмдил, катталарга ҳурмат ва кичикларга иззатда бўлиб, ахлоқу одоби ила бошқаларга намуна бўлиши, гиналар унутилиши, адоват барҳам топмоғи лозим.

Ислом динимиз шунчалар бағри кенг, халқпарвар динки, у доимо мусулмонларга енгиллик яратиб, инсонларнинг тоқатидан ортиқ амалларни қилишга буюрмаган. Бу нарса Рамазон рўзасида ҳам ўз аксини топган. Аллоҳ таоло Қуръони каримда шундай марҳамат қилади: «Рамазон ойи одамлар учун ҳидоят (манбаи) ва тўғри йўл ҳамда ажрим этувчи ҳужжатлардан иборат Қуръон нозил қилинган ойдир. Бас, сизлардан ким бу ойда ҳозир бўлса, рўзасини тутсин. Кимки бемор ёки сафарда бўлса, (тута олмаган кунлар саноғи) бошқа кунлардандир. Аллоҳ сизларга енгилликни хоҳлайди, оғирликни истамайди». (Бақара сураси, 185-оят).

Пайғамбаримиз (с.а.в.) муборак ҳадиси шарифларида: «Агар умматларим Рамазон ойининг улар учун қанчалик шарофатли ва баракотли эканлигини билганларида эди, йилнинг ҳамма ойлари рўза бўлишини орзу қилган бўлур эдилар», — деб марҳамат қилганлар.

Бу муборак ойда қиладиган тоат-ибодатларимиз, хайрли амалларимиз ва тутадиган рўзамиз Аллоҳ учун, унинг ризолиги учун бўлиб, Парвардигор Эгамиз уларнинг эвазига алоҳида ажрлар ваъда қилган.

Сўнгги пайтда ер юзидаги инсонлар осойишталигини бузиб, тинчликка раҳна солаётган диний мутаассибчиликдан Ислом динини ҳимоя этиш барчанинг долзарб вазифасига айланди. Бу ҳақда давлатимиз раҳбари жаноб Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси сессиясида жаҳонда ва минтақамизда диний соҳада рўй бераётган воқеаларни чуқур таҳлил қилиб, муқаддас Ислом динимизни бузиб талқин қилаётган кимсалардан ҳимоя қилиш, унинг асл моҳияти эзгулик ва тинчлик дини эканини халқимизга етказиш лозимлиги ҳақидаги фикрни баён этдилар.

Дарҳақиқат, муқаддас Ислом динимизни «бузғунчи исломчи»лардан асраш ҳар биримизга ҳам қарз, ҳам фарз. Бу йўлда огоҳлик ва ҳушёрлик талаб қилинади.

Мана шундай шукуҳли дамларда яна бир бор барча халқимизни ва муҳтарам Президентимизни Рамазони шариф ила муборакбод этаман. Тутадиган рўзаларимиз, тоат-ибодатларимиз, ватан равнақи ва хонадонларимизнинг тинчлиги ва фаровонлигини сўраб қиладиган дуоларимиз даргоҳида ҳусни қабул бўлсин.

Аллоҳ таолодан истиқболи нурафшон диёримиздаги барча оилаларга бахт-саодат, тинчлик-хотиржамлик сўрайман. Келгуси моҳи Рамазонгача бағри бутунлик, офият ва тинчлик-хотиржамликда етиб боришимизни Яратганнинг ўзи насиб айласин!

Абдурашид қори БАҲРОМОВ,
Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий.

Меҳрнинг баҳоси бўлмайди

Пойтахтимизнинг Ҳамза туманидаги 30-меҳрибонлик уйида тарбияланувчиларга АҚШнинг Индиана штатидаги Клинтон Централ мактаби ўқувчилари томонидан юборилган совғаларни топшириш маросими бўлиб ўтди. Болалар АҚШнинг мамлакатимиздаги элчихонаси вакилларидан китоблар, портфеллар, хариталар ва бошқа анжомлардан иборат совғаларни қабул қилиб олдилар.

Мазкур совғаларни келтиришда АҚШнинг "Харт ту Харт Интернэшнл" ижтимоий ташкилоти яқиндан ёрдам берди.

Тажриба алмашиш учун — хорижга

Мамлакатимиздаги "Устоз"жамғармаси гранти совриндорлари бўлган академик лицей ва касб-ҳунар коллежларининг ўн беш нафар ўқитувчилари "Бавария" ўқитувчилар малакасини ошириш академиясида ўқиш учун Германияга жўнаб кетишди. Улар касб-ҳунар коллежларида ўқитишнинг замонавий усуллари ва педагогик технологиялар билан танишадилар.

"Халқ сўзи",
«Туркистон-пресс».

Сўнгги хабарлар

Тўрт туман маррада



Фарғона вилоятида Учкўприк, Тошлоқ, Қува ва Фарғона туманларининг пахтакорлари зафар маррасини забт этдилар. Учкўприкликлар жами 22 минг 200 тоннадан зиёд «оқ олтин» саранжомлаган бўлсалар, тошлоқликлар ҳосилдорликни 31,2 центнерга етказдилар.

Шунингдек, қуваликлар қабул пунктларига 30 минг 230 тонна, Фарғона тумани деҳқонлари эса 18 минг 700 тоннадан кўпроқ пахта топширдилар.

Буюк Британия парламентининг қарори

Жорий йилнинг 30 октябрида Буюк Британия парламенти "Ўзбекистон ислом ҳаракати" (ЎИҲ) деб аталмиш тўдани бошқа учта — "Жамаа исламия"(Индонезия), "Абу Сайяф" (Филиппин) ва "Усбат ал-ансар" (Ливан) гуруҳлари қаторида мамлакатнинг террорчилик ташкилотлари рўйхатига киритиб, уларнинг Бирлашган Қироллик ҳудудидаги фаолиятига чек қўйди.

Мамлакат ички ишлар вазири Д.Бланкетт парламентнинг қуйи палатасида сўзга чиқиб, бу гуруҳларнинг халқаро террорчилик кенг тармоғининг ажралмас унсурлари эканлигига ишора этиб, рад этиб бўлмас далилларни келтирди. Узоқ муддат давомида улар "Ал-қоида" сингари дунёнинг турли бурчакларида амалга оширилган кўплаб террорчилик хуружларига дахлдор бўлиб, ушбу ташкилот билан яқин алоқада бўлган.

"Ўзбекистон ислом ҳаракати" деб аталмиш "бу ташкилот ҳам толиблар ва "Ал-қоида" билан яқин алоқада бўлган ва яқинда Москвада содир этилган террорчилик ҳаракатига дахлдордир", деб таъкидлади вазир Д.Бланкетт.

Буюк Британия парламентининг қуйи палата ва лордлар палатаси депутатлари, партиявий мансубликларига қарамасдан, мазкур гуруҳларни таъқиқловчилар рўйхатига киритишни яқдиллик билан қўллаб-қувватлашди. Илгари бу рўйхатга террорчиликка алоқадор 21 ташкилот киритилган эди.

Ушбу ҳужжатга мувофиқ "Жамаа исламия", "Абу Сайяф", "Усбат ал-ансар" ва "ЎИҲ"нинг барча аъзолари эндиликда Буюк Британияга киритилмайди, шунингдек, бу мамлакатда уларнинг молиявий ҳисоб рақамлари фаолияти ҳам тўхтатиб қўйилади.

(Давоми 2-бетда).

Текширишлар оз ва соз бўлсин

Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи республика кенгашининг Тошкент шаҳри бўйича ҳудудий комиссияси йиғилиши бўлди.

Тошкент шаҳар ҳокими, назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи республика кенгашининг пойтахтимиз бўйича ҳудудий комиссияси раиси Р.Шоабдураҳмонов бошқарган йиғилишда комиссиянинг ишчи органи жорий йилнинг учинчи чорагида ўтказилган текширишлар якунлари ва туман ҳудудий комиссияларининг бу борадаги ишлари кўриб чиқилди.

Комиссия келгусида хўжалик юритувчи субъектларни текширишни ташкил этишни янада тартибга солиш, бу борада такрорлаш фактларини бартараф этиш, корхоналарнинг фаолиятига иқтисодий зарар етказувчи асоссиз аралашувига йўл қўймаслик мақсадида ҳозирданоқ талай ишларни амалга ошираётир. Жумладан, шаҳар бўйича аудиторлик хулосаси бор корхоналар рўйхати тузилди, солиқ органлари томонидан 2003 йилда текшириладиган тармоқлар аниқланиб, тугатиладиганлари рўйхатдан чиқарилмоқда.

Назокат УСМОНОВА,
ЎзА мухбири.

Қўмита раиси гапларингизни эшитди

Хабарингиз бор, Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси раиси Равшан Ҳайдаров билан газетхонларимиз ўртасида бевосита мулоқот ўтказиш мўлжалланган эди. Режага мувофиқ, бу мулоқот шу йил 5 ноябрь куни бўлиб ўтди. Икки соат мобайнида республикамизнинг барча минтақаларидан «Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталарининг мухлислари шахсан қўмита раиси билан гаплашдилар. Божхона тизимига оид саволлар жуда кўп бўлди. Фуқаролар томонидан қўмита фаолиятини янада такомиллаштириш юзасидан тилаклар ва истаклар билдирилди. Мамлакатимизда божхона қонунчилиги устуворлигини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишлар хусусида фикр юритилди.

Қизғин баҳсларга бой бўлган мулоқотнинг батафсил баёни билан газетамизнинг келгуси сонларидан бирида танишасиз.

Божхона тарихида янги саҳифа

(Давоми. Боши 1-бетда).

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, конференция кун тартибидаги масалалар унда қатнашувчи барча давлатлар учун энг долзарб муаммолардан бири саналади. XXI аср бошига келиб жаҳон ҳамжамияти террор аталмиш офатнинг томирини қирқиш билан жиддий шуғулланаётган, унинг молиявий манбаларидан бири ҳисобланган гиёҳванд моддаларнинг ноқонуний савдосига қарши курашаётган бир пайтда мазкур тадбир алоҳида аҳамият касб этади. Қатнашчилар наркобизнесга қарши курашдаги ўз тажриба ва усуллари ҳақида ўзаро фикр алмашдилар. Бундан ташқари, гиёҳванд моддалар саломатлик ва соғлом насл кушандаси эканлиги ва айниқса, ушбу офат халқаро анжуманда тўпланган давлатлар учун умумий хавф бўлганлиги учун, қатнашчилар конференцияда қўйилган барча масалаларни яқдиллик билан ҳал этишга, бу борадаги ўзаро ҳамкорликни янада кучайтиришга ҳамда келажак учун амалий тадбирлар дастурини ишлаб чиқишга алоҳида эътиборни қаратдилар.

Халқаро конференция ишини Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси раиси Р.Ҳайдаров ва Жаҳон божхона ташкилоти бош котиби Мишел Данелар томонидан ҳамраисликда, катта касбий маҳорат билан олиб борилганлигини алоҳида таъкидлаш жоиз. Бунинг натижасида анжуман юксак савияда ва ишчанлик руҳида ўтди. Қувонарлиси шундаки, тадбир қатнашчилари Ўзбекистон божхона органларининг фаолиятига яқдил ҳолда юқори баҳо бердилар. Қолаверса, Ўзбекистонда ушбу анжуманнинг ЖБТ шафелигида ўтказилиши ҳам мамлакатимизнинг гиёҳванд моддаларнинг ноқонуний айланишига қарши курашиш борасидаги изчил ва самарали саъй-ҳаракатларининг халқаро миқёсда тан олинганлигидан далолат беради. Ушбу ишончга жавоб тариқасида, божхоначиларнинг халқаро конференциясига ҳар томонлама пухта ҳозирлик кўрилганлигини айтиш жоиз. Буни анжуман иштирокчилари ҳам мамнуният билан эътироф этдилар. Меҳмонларга Ўзбекистон божхона органлари ҳаётидан ҳикоя қилувчи буклет-журнал ва унинг саҳифаларидаги кўҳна Ипак йўли чизмаси, айниқса, манзур бўлди.

Энди бевосита конференция кун тартибидаги масалаларга келсак, меҳмонларда, энг аввало, Ўзбекистон Республикаси вакиллари томонидан тайёрланган маърузалар катта қизиқиш уйғотганлигини алоҳида айтиб ўтиш лозим. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси, Ички ишлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати, Стратегик тадқиқотлар институти, республика Фанлар академияси электроника институти вакилларининг чуқур таҳлилий чиқишлари анжуман қатнашчиларининг таҳсинларига сазовор бўлди. Улар томонидан ўқилган қизиқарли ва ғоят долзарб мавзулардаги маърузаларни тинглаш давомида иштирокчилар нигоҳида ушбу минтақада «аср вабоси»нинг хавфи, унга қарши кураш кўлами ва бу борада ҳамкорликни янада кучайтириш заруриятининг давр талаби эканлиги яққол намоён бўлди. Шунингдек, анжуман қатнашчиларига Ўзбекистон ва Хитой Халқ Республикаси вакиллари томонидан гиёҳвандлик моддаларини чегарадан ноқонуний олиб ўтилишига қарши курашда кўлланиладиган замонавий техник воситалар намойиш этилди. Ушбу намойишдан сўнг, ЖБТ бош котиби бутун жаҳонда ишлаб чиқарилаётган ана шундай энг замонавий техник воситалар кўригини яқин вақтларда, ўз ташкилоти шафелигида ўтказиш таклифини ўртага ташлади. Ғоят долзарб масала ва фойдали ҳамкорлик йўлидаги ушбу таклиф халқаро анжуман иштирокчилари томонидан яқдил қўллаб-қувватланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов анжуман иштирокчиларига табрик хати йўллади. Президентимиз кўплаб халқаро анжуманларда сўзлаган маърузаларида жаҳон жамоатчилиги эътиборини наркобизнес ва унинг инсониятга келтирувчи хавфига қаратган эди. Ушбу халқаро анжуманнинг пойтахтимизда ўтказилиши эса, юксак минбарлардан айтилган даъватларнинг мантиқий давоми бўлди, дейиш мумкин. Шу маънода, Президентимизнинг табриги конференция қатнашчиларига янада яқдиллик ва юксак руҳ бағишлади. Бу яқдиллик руҳи бутун анжуман давомида яққол сезилиб турди.

Конференция қатнашчилари Давлат божхона қўмитасининг Миллий кинология маркази фаолияти билан танишув чоғида ўз ҳайрат ва олқишларини яширмадилар. Ҳақиқатдан ҳам бундай ҳайратга асосли сабаблар бор. Давлат божхона қўмитасининг Миллий кинология маркази ўз имкониятлари, замонавий ускуналар билан жиҳозланиши ва фаолият кўлами жиҳатидан минтақа давлатлари ўртасида ягона саналади. Миллий кинология маркази 1993 йилнинг октябрида Давлат божхона қўмитаси қошида ташкил этилган эди. Миллий кинология маркази Ўзбекистон Республикаси божхона органлари, ИИВ, МХХ, Давлат чегараларини қўриқлаш қўмитаси, Мудофаа вазирлиги учун ҳамда Марказий Осиё давлатларининг турдош вазирликлари учун кинолог-курсантлар ўқиши ва хизмат итлари тайёрлашни амалга оширади. Миллий кинология маркази фаолиятини ташкил этишда Жаҳон божхона ташкилоти ва БМТнинг гиёҳванд моддалар устидан назорат Дастури ваколатхонаси томонидан кўрсатилган ёрдамни алоҳида эслаб ўтиш жоиздир. Бугунги кунга келиб, ушбу марказда юқори малакали мутахассислар фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг аксарияти чет эл етакчи кинология муассасаларида тажриба ошириб келган. Энг зотдор хизмат итларини кўпайтириш, жумладан хорижий давлатлардан сотиб олиб келиш масалалари ҳал этилди.

1999 йилда БМТ экспертлари томонидан Миллий кинология маркази ходимларининг касбий маҳоратлари юксак баҳоланиб, муассасага халқаро кинология маркази мақоми берилди.

Танишув чоғида бу ерда минтақа давлатлари учун ҳам мутахассислар ва хизмат итлари тайёрлаш имкониятлари ҳақида сўз борди.

Конференциянинг сўнгги куни белгиланган тартибга кўра, анжуман иштирокчилари Самарқанд шаҳри билан танишдилар. Кўҳна ва навқирон шаҳарнинг бетакрор меъморий обидалари ва тарихий зиёратгоҳлар меҳмонларда улкан таассурот қолдирди. Конференция қатнашчиларининг аксарияти Шарқ дурдонаси бўлган гўзал Самарқандни бир кўриш уларга азалий орзу бўлганлиги ва бу орзу ушбу халқаро анжуман туфайли ушалганини қаяжон билан изҳор этишди.

Анжуман ниҳоясида Буюк Ипак йўли бўйида жойлашган давлатлар божхона идораларининг гиёҳванд моддаларнинг ноқонуний айланишига қарши курашдаги амалий ҳаракатларини бирлаштиришга қаратилган Декларация қабул қилинди. Конференцияга раислик қилган Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси раиси Р.Ҳайдаровнинг таклифига биноан, ушбу ҳужжат «Тошкент декларацияси» деб номланди. Декларацияда жаҳон божхоначиларининг ўзаро тезкор ахборот алмашишини янги поғонага кўтариш, назорат постларини энг замонавий ускуна ва мосламалар билан жиҳозлашда техникавий ҳамкорлик қилиш, кинология марказларининг фаолиятини кучайтириш, билим ва тажриба алмашишни кенг йўлга қўйиш ҳақида сўз боради.

Ушбу якуний ҳужжат — божхона соҳасида тарихий аҳамиятга эга бўлган биринчи халқаро Тошкент декларацияси бўлди. Келгусида Буюк Ипак йўли бўйидаги бошқа давлатларда ҳам божхона сиёсатининг долзарб муаммоларига бағишланган ана шундай конференцияларни мунтазам ўтказиб туриш мақсадга мувофиқлиги барча иштирокчилар томонидан таъкидланди. Чунки бундай анжуманлар барча божхона хизматларининг умумий мақсадларидан бўлмиш гиёҳвандликка қарши кураш, божхона расмийлаштирувини такомиллаштириш, божхона идораларини энг замонавий техника воситалари билан жиҳозлаш, умуман, божхона ишини янада ривожлантиришда улкан аҳамият касб этади.

Буюк Ипак йўли бўйидаги давлатлар ичида илк марта ўтказилган йирик халқаро анжуман манзили сифатида айнан Тошкент шаҳри танланганлигида ҳам рамзий маъно бор. Зеро, Президентимиз Ислом Каримовнинг халқаро анжуман қатнашчиларига йўллаган табригида таъкидланганидек, «Наркобизнесга қарши кураш ғоят кескин чоралар тарафдори бўлмиш Ўзбекистон бу борада зарур бўлган ҳамма ишни қилиб келди ва бундан буён ҳам бу йўлда қатъий туради. Ҳозирги замон учун ғоят долзарб мавзудаги конференцияни ўтказишда Ўзбекистонга ишонч билдирилгани мамлакатимизнинг бу олижаноб ишга қўшаётган салмоқли ҳиссасининг Жаҳон божхона ташкилоти томонидан эътироф этилишидир».

Саид-Азим АРИПОВ,
божхона хизмати генерал-майори.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 10 йиллигига

Давлат суверенитетининг ҳуқуқий асослари

Маълумки, бу йил Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 10 йиллиги кенг нишонланади. Бизга эрк, ҳуқуқ берган Асосий қонунимизнинг аҳамияти беқиёслигини кенг халқ оммаси ўртасида тарғиб қилиш, уни атрофлича ва чуқур ўрганиш, мамлакатимиз Президентининг 2001 йил 4 январдаги «Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида»ги Фармойишини ҳаётга татбиқ этиш мақсадида таҳририятимиз Тошкент Давлат юридик институти жамоаси билан ҳамкорликни йўлга қўйди. Бугун институт профессор-ўқитувчиларининг Конституциямиз аҳамиятига бағишланган илк мақоласини эътиборингизга ҳавола этаётирмиз.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси «Ўзбекистон-суверен демократик республика» эканлигини эълон қилувчи ва қонуний мустаҳкамловчи қоидадан бошланади. Хусусан, унинг **1-моддасида «Ўзбекистон суверен демократик республика. Давлатнинг «Ўзбекистон Республикаси» ва «Ўзбекистон» деган номлари бир маънони англатади», деб белгиланган.** Давлат халқнинг расмий вакили сифатида ўз фуқароларининг иродасини ифода этади. Фақат суверен давлаттина фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини тўла ҳажмда таъминлаши мумкин.

Давлат суверенитети деганда, давлат ҳокимиятининг устуворлиги, унинг мамлакат ичкарисида ҳам, халқаро майдонда бошқа давлатларга нисбатан ҳам тўла мустақиллиги тушунилади. Суверенитет давлат ҳокимиятининг алоҳида хусусияти бўлиш билан бир пайтда, давлатнинг муҳим белгиси ҳам ҳисобланади.

Ўзбекистонда давлат ҳокимиятини ташкил этишнинг энг муҳим конституциявий тамойилларидан бири давлат суверенитети принциплари ҳисобланади. «Давлат суверенитети» ибораси французча «юқори ҳокимият», «олий ҳокимият» деган маънони англатади. Суверен давлат ички ва ташқи сиёсий фаолиятида ўзининг мустақил ва олий давлат ҳокимиятига, яъни қонун чиқарувчи ҳокимиятига эга бўлади. Ж.Боден ўзининг «Давлат тўғрисида олти китоб» асарида давлатни «суверен ҳокимият воситасида кўплаб оилалар ва уларга тегишли нарсалар» устидан адолатли ҳукмронлик сифатида тушунишни таклиф этганди. «Суверенитет», «суверен ҳокимият» унинг назариясидаги муҳим сўзлардир. Унинг фикрича, суверенитет «давлатнинг доимий ва мутлақ ҳокимиятидир».

Ўзбекистон Конституциясида эълон қилинган «суверен демократик республика» деган иборанинг асосида халқнинг тўла ҳокимлиги принципи ётади.

Суверенитет аввало давлат томонидан унинг ички функциясини амалга ошириш вақтида кўринади. Бироқ у, айниқса, давлатнинг ҳуқуқ тизимида, яъни суверен ҳуқуқларида бевосита намоён бўлади. Айнан давлатнинг тўла қонуний ҳуқуққа эгалиги давлат ҳокимиятининг, демак, давлат суверенитетининг ҳақиқий амалга оширилишини таъминлайди. Жамиятда ҳуқуқий тартиб ўрнатиш, мансабдор шахсларга, жамоат ташкилотларига ва фуқароларга ҳуқуқлар берилиши ҳамда мажбуриятлар юклатилиши-буларнинг ҳаммаси давлат ҳокимиятининг юқори эканлигини билдиради. Фақат давлат ҳокимиятигина нуфузли таъсир ўтказишга, зарур бўлганда эса жамият ҳаётининг ҳамма томонларига куч ишлатишга қодир. Бу унинг кенг қамровли эканлигини, чиндан ҳам мустақил яшаётганлигини кўрсатади.

Давлат ҳокимиятининг олийлиги, ўша давлатдаги барча ҳуқуқий муносабатларни белгилаганлигида, умумий ҳуқуқий тартиботнинг ўрнатилганлигида ҳамда давлат органлари, жамоат бирлашмалари, мансабдор шахслар ва фуқароларнинг мажбуриятларини белгилаганлигида намоён бўлади. Давлатнинг бутун ҳудудида олий давлат органи томонидан чиқарилган Конституция ва қонунларнинг устуворлиги давлат ҳокимияти олийлигини билдирувчи асосий белгиси сифатида тан олинади.

Шундай қилиб, давлат ҳокимиятининг олийлиги бу ҳокимиятнинг шундай ҳолатики, бунда бошқа бир ҳокимият ундан устун бўлмайди ва бўла олмайди. Бироқ, ҳокимиятнинг олийлиги унинг чексизлигини билдирмайди. Конституциявий давлатда у доимо қонун билан чеклаб қўйилади. Давлатнинг суверен ҳокимияти ўзга барча ҳокимиятлардан устун туради. Давлат ҳокимиятининг олийлиги **уни ягона сиёсий ҳокимият сифатида расмийлаштиради,** бу давлат ҳокимияти билан мувозий тарзда бошқа бирон-бир сиёсий ҳокимиятнинг мавжуд бўлишини истисно этади.

Давлат ҳокимиятининг бирлиги давлатнинг олий ҳокимиятини ташкил қилувчи ягона орган ёки органлар тизими мавжуд бўлишида ифодаланади. Давлат ҳокимияти бирлигининг юридик белгиси, давлат ҳокимияти олийлигини ташкил қилувчи органлар тизимининг бевосита давлат функцияларини бажариш учун зарур бўлган ваколатларни қамраб олишини англатади. Шу тизимга тегишли органлар эса, бир хил субъектларга, бир хил вазиятларда ўзаро истисно қилувчи хулқ-атвор қоидаларини ифодалай олмайди. Суверен давлат ҳокимиятининг асосий хусусияти унинг мустақиллиги ҳисобланади. Давлат ҳокимиятининг мустақиллиги, шу давлатнинг бошқа давлатлар билан тўғридан-тўғри, бевосита муносабатларида ўз ифодасини топади.

Мамлакат ичидаги давлат ҳокимиятининг суверенитети унинг ташқарисидаги мустақиллиги билан чамбарчас боғлиқ. Давлат суверенитети уни халқаро муносабатларда ҳам мустақил эканлигини билдириб, бунда давлат халқаро ҳуқуқнинг тўла ҳуқуқли субъекти сифатида ўзининг мустақил сўзини айтади. Ўзбекистоннинг ташқи сиёсати унинг Конституциясида белгилаб қўйилганидек, давлатнинг суверен тенглигига ва халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этган бошқа қоидалари ва нормаларига асосланади. Давлатнинг суверен тенглиги тамойили халқаро ҳуқуқнинг умум тан олган тамойилларидан бири сифатида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Уставида ҳам мустаҳкамланган.

Конституциямизнинг 1-моддасидаёқ Ўзбекистонни ҳам суверен, ҳам демократик республика деб эълон қилиниши жуда катта халқаро ҳуқуқий аҳамиятга эга бўлди. Чунки доимо демократик республика ҳақида сўз юритилганда, биринчи навбатда ушбу давлатда демократик тартиблар қарор топганлиги, давлат бевосита кенг халқ оммаси қўлида эканлиги назарда тутилади.

Айнан шу моддага мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси демократик давлатдир. Унинг демократиклиги, аввало, унинг халқпарварлигини таъминланишида, давлат ҳокимиятининг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлинишида, мафкуравий ва сиёсий ҳурфикрлиликда, фуқароларнинг маҳаллий ўзини ўзи бошқаришида ўз аксини топади. Юқорида таъкидланганидек, давлат ҳокимиятининг манбаи халқдир. Бу давлатнинг халқчиллигини, демократиклигини англатади.

Халқ суверенитети халқнинг ўз ҳокимиятини ўзи мустақил, тегишли конституциявий механизмлари воситасида ўз манфаатлари йўлида амалга оширишини англатади. Халқ ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларида ҳокимиятнинг тўла соҳиби сифатида майдонга чиқади ва у ҳокимиятни ҳеч ким билан бўлишмайди. Ҳокимиятни Конституцияда назарда тутилмаган тартибда ўзлаштириш, ҳокимият идоралари фаолиятини тўхтатиб қўйиш ёки тугатиш, давлат ҳокимиятининг янги ва мувозий таркибларини тузиш ғайри-конституциявий ҳисобланади ва қонунга биноан жавобгарликка тортишга асос бўлади (Конституциянинг 7-моддаси).

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси мамлакатнинг демократик йўлдан ривожлантиришнинг ҳуқуқий кафолатидир. Асосий қонун демократик жамиятнинг қарор топишига қўшган жуда катта ҳиссаси шундан иборатки, у мавжум жамият ёки умуман халқнинг эмас, балки муайян инсон эҳтиёжлари, манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликларига қаратилгандир. Конституциявий норма ва қонунларнинг устуворлиги, улар инсон манфаатларини кўзлаб иш тутишга ва шу доирада ижтимоий ўзаро муносабатларни мақбул ҳолга келтиришга йўналтирилганлиги мамлакатда барқарорликни ҳуқуқий жиҳатдан таъминлашнинг, фуқаролик жамияти асосларини қарор топтиришнинг асосий омилидир.

Конституциянинг 1-моддасида давлатимизнинг «Ўзбекистон Республикаси» ёки «Ўзбекистон» деб юритилиши алоҳида уқтирилади ва бу икки хил номланишдан қатъи назар, улар бир маънони англатиши таъкидланади. Бу тарихда биринчи марта Ўзбекистон ҳақиқий маънодаги миллий мустақил давлат бўлиб қолганлигининг рамзий ифодасидир.

Шундай қилиб, Ўзбекистоннинг давлат мустақиллиги ва янги демократик сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий тузум муаммолари янги Конституцияда ўз аксини топиши лозим эди ва шундай бўлди ҳам. Унда қатор халқаро ҳуқуқий ҳужжатлардаги қоидалар, бошқа давлатларнинг конституциявий тажрибаси ҳамда Ўзбекистон давлатчилиги ривожланишининг хулосалари ўз ифодасини топган. Конституциямиз Ўзбекистон Республикасининг ҳозирги пайтдаги сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий-маданий шароитларига мос келади ва яқин келажакда демократик, ҳуқуқий ҳамда инсонпарварлик, адолатли жамият ва давлат бунёд этиш сари олға интилишга ундайди. Ўзбекистон Конституцияси одатдагидек шунчаки мавжуд тартибларни қонунда мустаҳкамлаб қўймасдан, балки кўз илғаган келажак учун дастур ҳам бўлиб ҳизмат қилажак.

Ҳайдарали МУҲАМЕДОВ,
доцент.

Буюк Британия парламентининг қарори

(Давоми. Боши 1-бетда).

Боз устига сиёсий йўналишларидан қатъий назар, Англия оммавий ахборот воситаларига мазкур террорчилик гуруҳлари аъзолари ёки раҳбарлари билан мулоқотларни эшиттириш, кўрсатиш ёки чоп этишга рухсат берилмайди.

Мавриди келганда таъкидлаш жоизки, АҚШ Давлат департаменти 2000 йилнинг сентябрь ойида "ЎИҲ"ни ўта хавфли халқаро террорчилик ташкилотлари рўйхатига киритган эди.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ҳам айнан шу йўлни тутди. Бу халқаро ташкилот тахминан 80та ман этилган террорчилик гуруҳлари, шу жумладан, "ЎИҲ" деб аталмиш тўдадан иборат бўлган рўйхатни маъқуллади.

Айнан ўша пайтда "Ўзбекистон исҳом ҳаракати" деб аталмиш бу ташкилот тинч аҳоли ҳаёти, минтақамиз хавфсизлигига ҳақиқий хавф туғдираётгани ҳамда ўзининг қонхўр фаолияти билан инсоният жамиятининг барча меъёрларидан четга чиқаётгани аниқ далиллар асосида тасдиқланди.

Ожизликдан ақлларини йўқотган "соф ислом" фидоийларининг хом хаёл ғоялари натижаси ўлароқ туғилган айнан бу ташкилот Тошкентда содир этилган портлашлар, 2000 йилнинг ёзида Тошкент вилоятига бостириб кириш, хорижий фуқароларни гаровга олиш ва бошқа кўплаб шу каби мисоллар учун масъулдир.

АҚШ Давлат департаменти мамлакат қонунларига суянган ҳолда ҳар икки йилда террорчилик ташкилотлари рўйхатини қайта кўриб чиқади ва унга тегишли ўзгартишлар киритади. Жорий йилнинг 25 сентябрь куни "ЎИҲ" Давлат департаменти томонидан яна бир карра хорижий террорчилик ташкилоти сифатида таърифланди ва шу билан ман этилган гуруҳлар сони мазкур рўйхат бўйича 34га етди.

Ўтган йилнинг 11 сентябрь воқеалари, қанчалик қайғули бўлмасин, кўпчиликни зўравонлик, қотиллик ва қиргинликдан ўзга нарсани тан олмайдиган - халқаро террорчиликка бошқача назар ташлашга ундади. Аён бўлдики, ундан на бетон деворда, на чуқур ертўлада ва на террорчилар бошлиқларининг ҳавойи панд-насиҳатларидан қочиб қутилиб бўлмайди. Бунинг учун жаҳон ҳамжамиятининг бу кўринишни батамом таг-томири билан йўқотишга қаратилган қатъий ва кескин чораларигина талаб этилади.

"ЎИҲ" деб аталмиш гуруҳ тўғрисида сўз юритилганда таъкидлаш жоизки, у халқаро террорчилик ташкилоти бўлиб, унинг таркибида ўзбеклар қаторида афғонлар, покистонликлар, араблар, чеченлар, тожиклар, уйғурлар, бошқирдлар ва бошқа кўплаб миллат вакиллари бор. Уларнинг аксарияти жоҳил, ғирт саводсиз, ҳақиқий ислом тўғрисида тасаввурга эга бўлмаган мутаассиблик, зўравонлик тарафдорларидир. Муқаддас исломнинг қуръоний аҳком ва тамойилларини ўзларининг қабиҳ ва жирканч жиноятларини амалга ошириш учун ниқоб сифатида келтиришади.

Овчиларнинг бир таъбири бор: ов мавсуми боши. Ушбу мавсум белгиланган вақтда бошланиб, қонуний муайян ҳайвон турини овлашга рухсат берилади.

Раҳбарларининг дастурхонларидаги овқат қолдиқлари билан ҳаёт кечираётган ва яна битта суяк илинжида юрган "ЎИҲ" жангарилари, хусусан, уларнинг бошлиқлари, ҳайвондан ҳам баттардир. Уларга на ҳайвонот ва на инсоният оламида қабул бўлган таъриф бор.

Ўлимтик билан кун кўрадиган чия бўри сингари улар муқаррар қасос олиниш арафасида қўрқинчга тўла кўзлар ва ожизликдан пайдо бўлган ғазабу ғижиниш талвасасида олам бўйлаб изғиб юриб, қачонлардир улар учун бир суякнинг баҳридан кечган толибларга ўхшаганларни топиш ва оёқ остиларида навбатдаги буйруқни бажаришга тайёр итдек ётиш дардидадирлар.

Айни пайтда уларни батамом қуритишга қаратилган ов мавсуми бошланди, ов токи уларнинг бизнинг муқаддас еримиздаги қабиҳ ўтмиши излари тугатилмагунча давом этади. Лекин бу мавсум замон ва макон билан чегараланмаган, изн ва рухсатга муҳтож эмас.

Улар ўзларига бошпана топишлари ҳам амри маҳол бўлиб қолди, зеро, улар қаерда дуч келсалар қутурган ит сингари отиб ташланади.

"Жаҳон" АА



Жалолқудуқ туманида олтингугурт кукуни ишлаб чиқарадиган "Завроқ-Мил" қўшма корхонасининг ишга туширилиши андижонликларга анча қулайлик туғдирди. Шу пайтга қадар олтингугурт кукуни Фарғона вилоятининг Шўрсув қишлоғидан, шунингдек, Ҳамдўстлик мамлакатларидан келтирилар эди. Ўзбекистон-Германия ҳамкорлиги натижасида бунёд этилган ушбу корхона ана шундай ортиқча сарф-харажатларга барҳам берди.

Корхона тўла қувват билан ишласа, бир йилда 20 минг тонна жаҳон андозаларига жавоб берадиган олтингугурт тайёрлайди. Бу эса вилоят эҳтиёжини қоплабгина қолмай, экспорт қилиш имконини ҳам беради.

СУРАТДА: *германиялик мутахассис Манфред Герхард ва корхона раҳбари Мирзоҳид Алимов.*

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

Энг катта ташвиш

ҳозир ҳал этилмаса, кейин "аттанг" деб қолиш ҳеч гап эмас

Вазирлар Маҳкамасининг бир гуруҳ мутахассислари Фарғона вилоятида бўлиб, бу ерда қишга тайёргарлик борасида амалга оширилган ишларни ўргандилар. Улар текшириш асносида бир қатор туман ва шаҳарларнинг корхона ва ташкилотларида бу масалага оид юмушлар ўлда-жўлда қолиб кетганлигини таъкидлаб, "қониқарсиз" деб топдилар. Вилоятда қишки мавсумга ҳозирлик талаб даражасида эмаслиги, ҳали-ҳануз корхона ва ташкилотларнинг мутасаддилари беғам-бепарво юрганлиги вилоят фаолларининг жорий йил 9 ойи якунларига бағишланган йиғилишида ҳам рўйи-рост очиб ташланди.

Куни кеча жойларда ёмғирнинг ёғиши, ҳаво ҳароратининг секин-аста совиб бориши қишнинг аёзли, изғиринли кунлари тобора яқинлашаётганлигидан далолат бериб турибди. Бунинг устига, об-ҳаво башоратчилари қиш мавсуми одатдагидан анча совуқ келиши ҳамда узоққа чўзилишини бот-бот такрорлашмоқда. Ҳозир биз бу башоратларнинг қанчалик тўғри эканлиги ҳақида сўз юритмоқчи эмасмиз. Аввало, вилоят фаолларининг йиғилишида таъкидлаб ўтилган бир маълумотга урғу бериб ўтмоқчимиз. Мазкур йиғилишда мавжуд иссиқлик узатувчи корхоналарда мазут ёнилғиси режадагига нисбатан бор-йўғи 20 фоиз жамғарилганлиги ташвиш билан тилга олинди. Мамлакатимиз бўйича эса бу кўрсаткич деярли тўрт баравар ортиқдир. Ҳолбуки, айни шу ёнилғи вилоятдаги нефтни қайта ишлаш корхонасида ишлаб чиқарилади. Шу боис бу соҳага мутасадди раҳбарлар "Корхона ўзимизда, мазутни хоҳлаган пайтда ташиб олармиз" деб бепарво бўлиб юришган бўлса адашишади. Чунки қиш қиличини қайраб келган кезларда, ёнилғи етишмаган пайтларда таъминотчиларнинг "Аттанг" дейишларидан не наф?

Айни кунларда вилоят маркази — Фарғона шаҳри кўчаларини кезсангиз, қизиқ бир манзарага дуч келасиз. Кўплаб кўчалар, аҳоли яшайдиган мавзеларнинг ҳудудлари кавлаб ташланган. Сабаби аён: иссиқлик узатиш қувурлари, ўтган йили ётқизилган бир неча йиллар давомида ишлатилган ва ҳозирги кунгача ишлаётган ана шундай ортиқча сарф-харажатларга барҳам берилиши ҳамда ушбу корхонанинг ишлаб чиқаришдаги аҳамиятини ошириш мақсадида "Фарғонаэнергомарказ" ҳиссадорлик жамияти ихтиёрига олиб берилибди. Бу марказдагилар эса энди бутун айбни "Иссиқлик манбаи"дагиларга ағдариш йўлига ўтиб олишганмиш. Чунки улар қабул қилиб олган трассадаги 15 километрлик қувурлар бутунлай яроқсиз ҳолга келиб қолган. Қувурлар мукаммал таъмирланмаса, қишда мутлақо ишлатишга ярамайди. Ҳаркалай, бу ички тармоқларнинг янги мутасаддилари бир илож қилиб 5 километр масофадаги қувурларни янгилашди. Лекин яроқсиз қувурларни бир мавсум давомида тўлиқ таъмирлашнинг иложи йўқ, деб баҳона қидиришаяпти.

Яхшидир аччиқ ҳақиқат

Бу масалани ҳам мутасаддилар ўзларича хас-пўшлашга ҳаракат қилмоқдалар. Эмишки, шаҳардаги 68 километрлик ички иссиқлик тармоқлари "Иссиқлик манбаи" шўъба корхонаси тасарруфидан корхонасидаги аҳвол анча ташвишли. Вилоятда 9 ойликни қарз билан якунлаган 3 та жамоадан биттаси айнан шу корхона ҳисобланади. Унинг айни пайтдаги дебиторлик қарзлари 1 миллиард сўмдан ортган. Хўш, аҳволнинг шу даражага етиб боришига ким сабабчи? Айтайлик, қишга тайёргарлик ҳақида сўз борса, корхона раҳбарлари дарров қарзлар ундирилса, иш юришиб кетишини рўкач қилишади. Лекин кузатишлар шуни кўрсатмоқдаки, қарзларни ундириш механизми ҳам унча яхши эмас. Шўъба корхона шаҳардаги уй-жой ширкатлари, корхоналар билан шартнома тузган бўлса-да, лекин бу ташкилотлар аввал ўз муаммосини ҳал этиб, кейин шўъба корхонасига қиё боқишини кўпчилик ўйламаяпти. Бир мисол. Корхона вилоятдаги 217 та ташкилот ва муассасалар билан ишчи-хизматчилар маошидан ихтиёрий равишда хизматлари учун пул ўтказиш юзасидан шартномалар имзолаган. Афсуски, шу ўзаро битимга келган корхона ва ташкилотларнинг фақатгина ярми шартнома шартларини бажараяпти, холос. Бундан англашиладики, шартнома бажарилмаётган экан, демак, номигагина тузилган экан-да? Шартнома шартларини бажармаган лабзсизларнинг масъулияти ҳақида нега жиддийроқ ўйлаб кўрилмаяпти?

Ҳозир шўъба корхонага қарашли назоратчилар уймауй юриб, хизмат пулини йиғишга ҳаракат қилмоқдалар. Лекин улар кўпчилик мижозларнинг ҳақли эътирозига ҳам дуч келишаяпти. Чунки шаҳарда кўп ҳолларда бир-икки кунга иссиқ сув, иссиқлик узатиш тўхтатилиши ҳақида эълон берилади. Аммо бу муддат бир ҳафта-ўн кунгача чўзилиб кетади. Бундан истеъмолчилар олдида таъминотчилар ўз обрўлари, мавқеларини йўқотиб бораётганликларини билиб олиш қийин эмас.

Маълумки, қишга тайёргарлик ишларининг бир қисмини Фарғона шаҳридаги уй-жой ширкатлари ўз зиммасига олган. Бу йил улар ёнига 3 та хусусий корхона ва шунча масъулияти чекланган жамият ҳам қўшилди. Хусусан, "Шоят" ширкати жамоаси ўз тасарруфидаги 11 та юқори қаватли уйни қишга намунали тайёрлаб қўйди. "Уйжойтаъмирсервиз" масъулияти чекланган жамияти ҳам зиммасидаги топшириқни уддалади. Афсуски, "Истиқлол" ва "Озод Ватан" ширкатлари ўз мижозлари олдидаги ваъдаларини бажара олмади. Балки бу ширкатларга Ўзбекистон Республикасининг "Уй-жой мулкдорлари ширкатлари тўғрисида"ги Қонунда белгиланган талабларни яна бир карра эслатиб ўтиш лозиммикан? Чунки улар ташкил этилаётганда, Низомлари белгиланаётганда бутун масъулиятни зиммаларига олишлари ҳақида шартномалар имзолашган. Лабз эса муқаддас! Буни унутиб бўлмайди.

Набижон СОБИР,
"Халқ сўзи" мухбири.

Халқимизнинг унутилмас фарзанди

Шароф Рашидов таваллудининг 85 йиллигига

Ўтганларни хотирлаш — халқимизнинг эзгу одатларидан биридир. Айниқса, умрини, салоҳияти ва улкан меҳнатини эл-юртга бағишлаган одамларнинг номи йиллар ўтса ҳамки, ўз қадр-қимматини йўқотмайди. Давлат ва жамоат арбоби, адиб ва публицист Шароф Рашидов, шак-шубҳасиз, ана шундай инсонлардан биридир.

Аввало, унинг ҳаёт йўлини қисқача эслаб ўтсак. Шароф Рашидов 1917 йилнинг 7 ноябрида Жиззах шаҳрида таваллуд топди. Дастлаб қишлоқдаги етти йиллик мактабда, Жиззахдаги педагогика техникумида ўқиди, кейин Самарқанддаги Ўзбек давлат университетида таҳсил кўрди. Талабалик давридаёқ вақтли матбуот саҳифаларида қатнаша бошлади, сўнгра оддий мухбирликдан тортиб газета муҳаррирigача бўлган лавозимларда ишлади. 1942 йилда Иккинчи жаҳон урушида қатнашиб, оғир ярадор бўлди. Фронтдан қайтгач, 30 ёшида «Қизил Ўзбекистон» газетасига муҳаррир этиб тайинланди.

Кейинчалик ёзувчи ва публицист сифатида яхши танилган Ш.Рашидов Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасига раис этиб сайланди. Ўттиз уч ёшида Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси бўлди. 1959 йилдан то умрининг охиригача Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитасининг биринчи секретари лавозимида фаолият кўрсатди.

Эътироф этиш керакки, бу инсон ўз юрти, ўз халқига фарзандлик бурчини қўлидан келганича адо этди. Айнан Шароф Рашидов раҳбарлиги даврида мамлакатимизнинг чўл ва дашт ҳудудлари ўзлаштирилди, Ўзбекистон харитасида бир неча янги шаҳарлар пайдо бўлди. 1966 йил 26 апрелда рўй берган зилзиладан кейин Тошкентни қайта қуришда, пойтахтимизда илк метро йўналишини бунёд этишда унинг улкан хизматлари бор.

Ш.Рашидов адиб ва публицист сифатида ҳам адабиётимиз ва матбуотимиз ривожига муносиб ҳисса қўшди. Албатта, унинг асарлари ўша давр мафкураси билан суғорилган эди. У ана шу ғоявий қолиплар доирасида бўлса ҳам меҳнаткаш, жонкуяр одамларнинг образларини яратишга ҳаракат қилди. Адиб бадиий ижоднинг турли жанрларида қалам тебратди. Жумладан, унинг «Кашмир қўшиғи» қиссаси асосида яратилган опера Алишер Навоий номидаги давлат академик катта опера ва балет театрида саҳналаштирилиб, мамлакатимиз ва чет элларда намойиш этилди.

Ш.Рашидов адабиёт ва санъат аҳлига ғамхўр, уларнинг ижодий изланишларига эътиборли бўлиб, илм-фан ва маданият ривожига имкон борича шароит яратиб беришга интилар эди. Айнан ўша даврда кўпжилдлик Ўзбекистон қомуси нашрдан чиқарилгани, Санъатшунослик институти ташкил этилгани, янги «академшаҳарча» қурилиб, Ўзбекистон Фанлар академиясининг бир қатор илмий-тадқиқот институтларининг замонавий биноларга кўчиб ўтгани ҳам унинг шу соҳадаги хизматларини кўрсатиб турибди.

Ш.Рашидов ўз фаолияти даврида Ватанимиз ва халқимизга мавжуд имкониятлари даражасида фарзандлик хизматини кўрсатишга ҳаракат қилди. Бироқ, собиқ қизил салтанат шароитида бундан ортиғига унинг иложи йўқ эди.

Чунки бу арбоб, аввало, ўз даврининг маҳсули эди. Очиқ айтадиган бўлсак, у социалистик тузумга ишонган, унинг сиёсати ва мафкурасига эътиқод билан хизмат қилган раҳбар эди. Бу сиёсат, бу бошқарув уни ниҳоятда эҳтиёткор бир шахсга айлантириб қўйган эди. Худди шу ҳолат унинг фикрлашига ва эркин фаолият юритишига ҳар лаҳзада монелик кўрсатиб келганлиги шубҳасиз. Шу ўринда собиқ марказ томонидан халқимиз елкасига 6 миллион тонналик пахта мажбуриятининг юклатилиши, пахта яккаҳокимлиги оқибатида тупроқ ва атроф-муҳит экологиясининг бузилиши натижасида ижтимоий вазиятнинг оғирлашуви ҳам шу даврда рўй берганини айтиб ўтиш лозим.

Ш.Рашидов вафотидан кейин республиканинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маънавий ҳаётида ғоятда мураккаб, инқирозли бир давр бошланди. Халқимиз 1984-1989 йилларда «ўзбеклар иши», «пахта иши» деб аталган ноҳақ уйдирма, бўҳтон ва хуружларга дучор бўлди. Мана шу оғир, қора кунларда шўро империясининг марказий матбуоти саҳифаларида «рашидовчилик» деган яна бир хунук ибора пайдо бўлиб, унга борган сари қатъий урғу берила бошлади.

Республикамизда Ш.Рашидов ўрнига раҳбарликка келган иродасиз, халқ дардидан йироқ шахслар бу қабоҳатга жўровоз бўлиб, бундай туҳматларнинг янада аланга олишига йўл бердилар. Охир-оқибатда, марҳум Ш.Рашидовнинг қабрини бузиб, жасадини кўчирдилар, оила аъзолари ва қариндош-уруғларини таъқиб этдилар.

Вақт, тарих ҳар бир ишга одил ҳакамдир. Бугун ўша разолатларни қилганларнинг ўзлари бадном бўлди. Ш.Рашидовнинг камтар, ҳалол, меҳнаткаш шахсияти ва эл-юрт учун қилган хизматлари мустақиллик йилларида яна юзага чиқди. Халқимизнинг бу инсонга бўлган ҳурмат-эҳтироми тикланди.

ХХ асрнинг 80-йиллари охирида сиёсат майдонида мислсиз бир жасорат билан фаолият бошлаган Ўзбекистоннинг янги раҳбари Ислом Каримов таҳқир ва маломатлардан сабр косаси тўлган Ўзбекистонни, ўзбек халқини истиқлол йўлига олиб чиқди. Ўзбекистоннинг янги ҳаёти бошланди.

Бугун юртимиз ўзининг буюк келажаги пойдеворини яратмоқда. Иқтисодий, ижтимоий, маданий ва маънавий жабҳаларда эришган ютуқларимиз бутун дунёда эътироф этилмоқда.

Ўзбекистон мустақил тараққиётнинг ўзига хос йўлини танлаб, ўз йўлидаги камчиликларини енгиб, ўз ёруғ келажагини ўз қўли билан қурмоқда. Бугун мамлакатимизни АҚШ ва Япониядек энг ривожланган давлатлар ўзига стратегик ҳамкор, шерик деб билмоқда.

Мустабидлик исканжасидаги ўзбек диёри бугун жаҳон ҳамжамиятининг муносиб аъзосига айланди. Яқин ўтмишда фақат аграр, янада аниқроғи, фақат хомашё ўлкаси бўлган Ўзбекистон эндиликда кўп қиррали иқтисодиётга эга бўлган мамлакатдир. Унинг иқтисодий ютуқлари дунё миқёсида эътироф этилмоқда, юртимизда тайёрланган маҳсулотлар астасекин чет эл бозорларига ҳам чиқмоқда.

Юртдошларимиз мустақиллик даврининг иккинчи йилида номи таҳқирлардан поклaнган Шароф Рашидов таваллудининг 75 йиллиги нишонланганини яхши эслайдилар.

Ана шу санага бағишланган йиғилишда Президентимиз шундай деган эди:

«Ҳар бир инсон ўз ички дунёси, табиати, тарбияси, фикрлаш даражасида яшайди ва фаолият кўрсатади, ҳаётда ўзига хос из қолдиради. Бу маънода Шароф аканинг маънавияти, тафаккури ва кўп қиррали, самарали амалиётининг уйғунлиги ҳаммамизга ибратдир».

Мураккаб давр фарзанди, мураккаб тақдир эгаси бўлган Шароф Рашидов номини бугун ҳурмат билан яна бир бор эслар эканмиз, халқимизнинг эзгу одатига кўра, у кишининг охирати обод бўлсин, деймиз.

М.САФАРОВ.

Тадбир

Кўрик — танлов ғолиблари

Республикамизда Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга ошириш бўйича Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва Республика «Устоз» жамғармаси ҳар йили узлуксиз равишда профессор-ўқитувчилар меҳнатини қадрлаш, давр талаби асосида ёзилган дарсликларни рағбатлантириш ва энг муҳими, уларнинг обрў-эътиборини ошириш мақсадида «Йилнинг энг яхши ўқитувчиси, мураббийси, илмий раҳбари» ва «Йилнинг энг яхши дарслиги, ўқув адабиёти муаллифлари» номинациялари бўйича Республика кўрик-танлови ўтказади. Куни кеча бу йилги ғолибларга диплом ва қимматбаҳо совғалар топшириш тадбири бўлиб ўтди.

— Анъанага айланиб улгурган кўрик-танлов, — дейди олий ва ўрта махсус таълим вазири С.Ғуломов, — Президентимизнинг дарслик яратишга энг илғор ва энг шарафли вазифа сифатида қарашимиз, яхши дарслик яратган одамларни бошимизга кўтаришимиз керак, деган фикрининг ижобати бўлди. Умумий ўрта таълим, ўрта махсус касб-ҳунар таълими ва Олий таълим учун яратилаётган янги ўқув адабиётларининг 600 дан ортиғи танловда иштирок этиб, уларнинг 99 таси ғолиб чиқди. Энг яхши маъруза матни бўйича 294 номдаги маъруза матнидан 11 маъруза матни ғолиб деб топилди.

— Бундай кўрик-танловлар профессор-ўқитувчилардан ўз ишига содиқликни, шу билан бирга катта изланишни талаб этади, — дейди йилнинг энг яхши мураббийси кўрик-танловининг ғолиби СамДУ профессори Холбой Ибрагимов.

Кўрик-танлов иштирокчилари диплом ва пул мукофотлари билан тақдирланди. Тадбир бир пиёла чой устида, санъаткорлар иштирокида ташкил этилди.

Муфтилло ЮСУПОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Янги аср таълими: изланиш ва самара

Ҳаракатлар самараси

Бу таълим масканининг Самарқанддагина эмас, қўшни вилоятларда ҳам ўзига хос мавқеи бор. Унинг кадрлари мамлакат иқтисодиётининг турли жабҳалари ривожига ҳисса қўшишяпти. Касб ўрганаётганларнинг бўлажак иш жойларидан кўнгиллари тўқ. Чунки коллеж маъмурияти иш берувчилар — молия, солиқ, банк муассасалари ва халқ хўжалигининг бошқа тармоқлари билан ўзаро шартнома имзолашни анъанага айлантирган. Шу боисдан ҳам Самарқанд молия-иқтисодиёт коллежига ёшларнинг интилиши кучли. Кўпчилик ота-оналар фарзандлари айнан шу таълим даргоҳида таҳсил олишини, касб-ҳунар ўрганишини орзу қилишади.

Коллеж биноси тўлиқ таъмирланиб, ҳавас қиларли даражада кўркамлаштирилди. Бунинг учун 600 миллион сўмдан ортиқ маблағ сарфланди. Ана шу маблағнинг тўлиқ давлат ҳисобидан ажратилганининг ўзиёқ мамлакатимизда таълим тизимига, ёшлар келажагига эътибор нақадар катта эканлигидан далолатдир.

— Бугунимизни собиқ иттифоқ давридаги аҳвол билан асло таққослаб бўлмайди, — дейди коллеж директори, иқтисод фанлари номзоди, вилоят Кенгаши депутати Валиқул Бердиқулов. — Коллежимиз биноларининг ташқи кўринишиёқ, ҳар қандай кишининг диққатини тортади. Улар бугун ҳақиқий таълим кошоналарига айланди. Дарслар илгаригидек оддий кўргазмали воситалар билан эмас, замонавий компьютерлар, лингафонлар ёрдамида ўтилмоқда.

— Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг биринчи босқичида коллежда нималар қилинди?

— Биринчи галда таълим олувчиларнинг тайёргарлик даражасига, уларга етарли шарт-шароитлар яратишга эътибор қаратдик. Бу борадаги ҳаракатларимиз самараси тезда кўзга ташланди. Бири-биридан қизиқарли, бири иккинчисини такрорламайдиган турли танловларни ҳам талабаларнинг ўзлари уюштирадиган бўлишди.

Дарвоқе, коллежда моддий-техника, ўқув-услубий ва кадрлар базаси яратилган. Ўқитувчиларнинг касб малакасини ошириб боришга жиддий эътибор қаратилаяпти. Кейинги йилларда 14 та ўқитувчи республикамизнинг турли олий ўқув даргоҳларида касбий йўналишлари бўйича қайта тайёргарликдан ўтдилар.

Бугун ушбу муҳташам таълим кошонасида 300 дан ортиқ йигит-қиз касб ўрганяпти. Ҳар кунги фаолият эрталабки умумколлеж йиғилишидан бошланиши одат тусига кирган. Уларда дунё миқёсидаги янгиликлар, республикамиздаги буюк ўзгаришлар, Юртбошимиз бошчилигида амалга оширилаётган ислоҳотлар ҳақида гап боради.

Коллежда 23 та тўгарак ишлаб турибди. Иқтидорли ўқувчилар билан эса алоҳида режа асосида машғулотлар олиб бориладi. Самарқанд Давлат университетининг иқтисодиёт факультети билан ҳамкорлик яхши йўлга қўйилган. Турли хил фан ўқитувчилари ноанъанавий очиқ дарслар ташкил этишяпти.

Кутубхона, маънавият ва маърифат хонаси, спорт майдони талабаларнинг бўш вақтлари ўтадиган асосий масканга айланган. Ошхона ва ётоқхонада ҳамма шароитлар муҳайё.

Бу йил ҳам таълим кошонасига мактаб остонасидан билимга чанқоқ, касб-ҳунар ўрганишга иштиёқи баланд ёшлар келишди. Улар шу ерда талабалик завқини суришяпти, мустақил Ўзбекистонимиз учун муносиб кадрлар бўлиб етишиш мақсадида билим олишяпти, касб ўрганишяпти.

Абдурасул САТТОРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Японияликлар туҳфаси

Пойтахтимизнинг Юнусобод туманидаги 43-мактаб мебеллар, компьютер ва спорт анжомлари билан қайта жиҳозланадиган бўлди. Негаки, Япония ана шу мақсадлар учун мактабга 60,732 минг АҚШ доллари миқдорида грант ажратди. Эътироф этиш керакки, Кунчиқар мамлакати сўнгги икки йил ичида пойтахтимиз халқ таълими муассасаларига 388 минг АҚШ доллари миқдорида маблағ ажратди.

Баҳром СОАТОВ.

Умид ниҳоллари

Парвоздаги болалар

Айни чоғда юртимиз мактабларида анъанавий «Умид ниҳоллари» мусобақаларининг 1-4, 5-7, 8-11 синфлари орасидаги мактаб босқичи ниҳоясига етмоқда. Кузги таътилда болаларни оммавий спортга жалб қилиш, уларни жисмонан соғлом ва бақувват бўлиб етишишлари учун мазкур мусобақанинг ўрни беқиёс. Куни кеча Шайҳонтоҳур туманига қарашли 276-мактабда ҳудуддаги 40 та мактабда ўтказилган беллашувларда ғолиб чиққан жамоалар учун 1-4 синф ўқувчиларининг финал мусобақаси бўлиб ўтди. Шу муносабат билан мактаб ҳовлиси байрамона тус олди. Ҳаммаёқ саранжом-саришта. Куй-қўшиқ садолари остида қатнашувчиларни табриклаётган боғча болаларининг самимий истаклари кишига завқ бағишлайди. Чин маънода тантана тусини олган ушбу тадбирда кексаю-ёш, ота-оналар тўпланишган.

— Бундай мусобақалар нафақат болажонларга, балки бошқалар учун ҳам қизиқарли, — дейди туман халқ таълими бўлими мудири Жамолиддин Эшбоев. — Мана ўзингиз кўриб турибсиз, мусобақага тайёргарлик ўзгача. Болажонларимизнинг спортга ўчлигини уларнинг кўзига қараб ҳам англаб олиш мумкин.

— Мен Мирзаева Бодомгул 132 мактабнинг 4-синф ўқувчисиман, — дея ўзини таништиради жажжи қизалоқ. — Спортга қизиқаман, ота-онам менга барча шарт-шароитни яратиб берган. Бугун финалда ҳам ўзимни кўрсатаман...

Қизчанинг дадил, ўзига ишониб гапиришига ҳавас қилдим. Унинг катталарга «нима»ларнидир айтиб бераётганлиги бошқа болажонларга ҳам таъсир қилди шекилли, бир нечтаси атрофимизни ўраб олишди. Улар ҳам ўзларини таништирган бўлиб, келажакда машҳур футболчи ёхуд боксчи, теннисчи бўлишга ҳаракат қилаётганликларини айтишди. Жажигина ўғил-қизларнинг бирбирига гал бермай ўз орзу-истаклари билан ўртоқлашаётгани кишини гуруллатириб юборяпти. Қаранг-а, болажонлар қандай фикрламоқда. Агар юртимизда уларга нисбатан эътибор бўлмаганда, шундай эзгу истаклар изҳор этиларми-ди? Йўқ, албатта. Шундай экан, юртимиз шарафини кўкларга кўтариш учун бел боғлаётганларга далда бўлайлик, уларни қўллаб-қувватлайлик.

Шайҳонтоҳур туманида жами 40 та мактаб ўқувчилари беллашиб, улардан 6 таси финалгача етиб келди. 84, 115, 132, 157, 276, 136-мактабларнинг 1-4 синф ўқувчилари спортнинг 6 тури бўйича беллашдилар. Ниҳоятда қизиқарли кечган ушбу баҳсда болажонларнинг ҳақиқий спортчиларга хос ҳаракат қилишлари йиғилганлар томонидан қайта-қайта олқишланди. Айниқса, мини футбол мусобақасида ўқувчиларнинг ушбу ўйин қонун-қоидаларига риоя этган ҳолда тўп суришларидан кўриндики, улар орасидан келажакда миллионлар ўйинининг ҳақиқий жонкуярлари етишиб чиқади. Шунингдек, спортнинг бошқа турида беллашаётган болажонлар хусусида ҳам шундай хулосага келиш мумкин.

«Умид ниҳоллари» ўйинларининг худди шундай беллашувлари кеча Юнусобод ва Ҳамза туманида ҳам бўлиб ўтди.

Биз бугун биргина тумандаги спорт байрамини тилга олдик. Бундай тадбирларнинг юртимиз буйлаб ўтказилаётганини ҳисобга олсак, эҳ-ҳе минглаб болажонларимизнинг таътилдаги вақтлари қанчалик мароқли кечаётганлигини билиб оламиз. Ташаббуснинг қаноти бор. Унинг парвозидан эса келажакда сон-саноқсиз истеъдодлар қанот қоқмоғи тайин.

Мақсуд ЖОНИХОНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

СУРАТЛАРДА: *276-мактаб ҳудудидаги мусобақалардан лавҳалар.*

Нўъмонжон МУҲАММАДЖОНОВ олган суратлар

ПРОКУРОРЛАРНИНГ ШАНХАЙ УЧРАШУВИ

Бугун дунёда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини поймол этишга қаратилган жиноятлар, хусусан, террорчиликнинг турли кўринишларда намоён бўлаётгани унга нисбатан қўлланадиган жазо тизимини такомиллаштиришни тақозо этаётир. Инсониятга катта хавф солаётган бу офатга қарши ялпи кураш барча тинчликсевар кучларнинг муҳим вазифаси бўлиб, бу борада ўзаро ҳамжиҳатликнинг йўлга қўйилиши муҳим аҳамиятга эга. Ўтган ҳафтада Хитой Халқ Республикасининг Шанхай шаҳрида Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар бош прокуратуралари вакилларининг учрашуви ана шу мақсадга қаратилди.

— Анжуманда минтақамиздаги мавжуд вазиятда мамлакатларимиз ўртасида ҳуқуқий соҳадаги ҳамкорликни кенгайтиришнинг омилкор йўналишлари белгилаб олинди, — деди Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ўринбосари Б.Деҳқонов ЎзА мухбирига. — Хусусан, халқаро терроризм, экстремизм, наркотик моддаларни қонунга хилоф равишда ўтказиш ҳамда трансмиллий жиноятчиликнинг бошқа кўринишлари билан курашда ҳамкорлик механизмини такомиллаштириш масалалари муҳокама қилинди. Шу билан бирга прокуратура идоралари ходимларининг малакасини ошириш, ижобий иш тажрибалари борасида ўзаро ахборот алмашувга келишиб олинди.

Учрашув якунида имзоланган Ўзбекистон, Хитой, Россия, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон Бош прокуратураларининг қўшма баёнотида шиддат билан ривожланаётган глобаллашув шароитида ҳуқуқий соҳадаги ҳамкорлик халқаро жиноятчиликнинг илдизини қирқишга, минтақада тинчлик ва хавфсизликни таъминлашга хизмат қилиши алоҳида қайд этилди.

Норгул АБДУРАИМОВА.

Яқинда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тузиш тўғрисида"ги Фармони ва мазкур ҳужжатнинг ижросини таъминлаш юзасидан эса Вазирлар Маҳкамасининг қарори эълон қилинди.

Миллий матбуот марказида мазкур икки ҳужжатнинг моҳияти, аҳамияти ва мақсадига бағишланган матбуот анжумани бўлди.

ФАРМОН ИЖРОСИГА БАҒИШЛАНДИ

— Фармонда юртимизда болалар спортини янада ривожлантириш, мамлакатимизнинг турли бурчакларида жисмоний тарбия билан шуғулланиш учун зарур шарт-шароитларни яратиш каби долзарб масалалар акс этган, — деди Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси раиси Баҳодир Маҳситов. — Бу бизнинг зиммамизга, аввало, барча шаҳар ва қишлоқларимизда, хусусан, чекка қишлоқлардаги мавжуд спорт иншоотларини таъмирлаш, янги спорт мажмуаларини барпо этишни юклайди. Жойларда болаларнинг қайси спорт турига лаёқати кучли, қандай спорт иншоотига талаб нисбатан катта эканини ўрганиб чиқилиб, замонавий талабларга тўла жавоб берадиган спорт мажмуалари қурилади.

Анжуманда сўзга чиққан Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси президенти С.Рўзиев мазкур Фармон оммавий спортни ривожлантиришда, болаларимизнинг соғлом вояга етишида, шунингдек, улар орасидан келажаги порлоқ спортчилар етишиб чиқишида муҳим аҳамият касб этишини ва шунинг учун бу ҳужжат ижросига ҳар бир фуқаро ўз ҳиссасини қўшмоғи лозимлигини таъкидлади.

Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,
ЎзА мухбири.

Қомус сабоқлари

Қўқон шаҳар ҳокимлиги шаҳар "Маънавият ва маърифат" бўлими ташаббуси билан Конституциямиз қабул қилинганлигининг ўн йиллиги шарафига кенг тарғибот-ташвиқот ишларини бошлаб юборди. Бу ерда ташкил этилган эллик кишидан иборат махсус гуруҳ маҳаллалар, мактаблар, ўқув юртлари ва корхоналарда "Конституциямиз — бахтимиз қомуси", "Сиз ўз ҳуқуқингизни биласизми?", "Маҳалладан бошланур Ватан" сингари мавзуларда суҳбатлар, кечалар уюштираётир.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2002 йил 5 ноябрдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:/*

1 Австралия доллари	494,24	1 Исландия кронаси	10,18	1 Швейцария франки	601,66
1 Англия фунт стерлинги	1381,31	1 Канада доллари	567,82	1 ЕВРО	879,74
1 Дания кронаси	118,43	1 Хитой юани	106,72	10 Жанубий Корея вони	7,25
1 БАА дирхами	240,51	1 Малайзия рингити	232,49	10 Япония иенаси	72,24
1 АҚШ доллари	883,36	1 Польша злотийси	222,28	1 Россия рубли	27,81
1 Миср фунти	192,87	1 СДР	171,69	1 Украина гривнаси	165,72
		1000 Туркия лираси	0,52		

**/ Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.*

Ватанимиз шаънини улуглаганлар

Чемпионлик... остонадан бошланади

Тошкент денгизи – кўплаб пойтахтликлар учун ёзги дам олиш манзили. Аммо бу маскан Борзовлар оиласи учун истиқомат муҳити ҳамдир. Чунки улар «денгиз» бўйида – Тўйтепа чегарасидаги Янги ҳаёт қўрғонида яшайдилар. Ота-она фарзандларининг мактабдан сўнг нима билан машғул бўлишлари ҳақида кўп ҳам ўйлаб ўтиришмади. Онаси етти яшарлик Юлия ва Серёжани базадаги таниш тренерга олиб борди. Ниёз Тешабоев етти ёш жиддий машғулотлар учун етарли эмаслигини билса-да, уларни олиб қолди. Болалар серҳаракат ва тиришқоқ экан. Қишда байдаркачилар тўгарагига ёзилишди, ёзда эса биринчи бор қайиққа ўтирдилар.

– 15 ёшлигимизда жиддий машғулотлар бошланди, – деб эслайди Юлия. – Бу, менимча, бизни спортинтернат (болалар пойтахтдаги олимпия резервлари билим юртини ўшанда шундай аташга ўрганиб қолган эдилар)га таклиф қилгандан кейин юз берди. Биз у ерда уч йил яшадик, Юрий Мальцев раҳбарлигида машғулотлар ўтказдик. 1997 йилда Ўзбекистон ўсмирлар терма командасига қабул қилишди. Энди бизга Вячеслав Шубин раҳбарлик қила бошлади. Бора-бора Шубин бизнинг севимли тренеримиз бўлиб қолди. Шу давргача мен аёллар ўртасида якка ва тўртлик байдарка бўйича Осиё чемпиони эдим.

Юлия Борзованинг ўсмирлик муваффақиятлари, ҳақиқатда ҳам кўп. 1998 йилда Франциядаги «тўртлик»да ва Бельгиядаги яккакурашда олтин медални қўлга киритган. 1999 йилда жаҳон биринчилигида бешинчи, Осиё чемпионатида иккинчи ўринларни олди. Надя Пишулина билан биргаликда минтақа чемпиони бўлди. Таассуфлар бўлсинким, ўсмирлар мусобақалари олимпия ўйинлари саралаш беллашувлари билан бир пайтга тўғри келиб қолди, натижада Юлия Сиднейга боролмади.

2001 йилда Борзова Германияда Таня Москалева билан жуфтликда бир километрлик пойгада иккинчи ўринни эгаллади.

– Ўзим ҳам тушунмайман, – дейди у. – Қайиқда ким билан бўлишимдан қатъи назар, мен учун муаммо туғилмайди. Албатта, бу ўринда, образли айтганда, сув табиати, ҳамкорингни англаш туйғуси ҳам муҳим роль ўйнайди.

Бу йил Борзова жаҳон кубогининг икки босқичида Польша ва Германиядаги ўйинларда қатнашди. Бундан ташқари Пусанга қадар у Испаниянинг Севилье шаҳридаги жаҳон чемпионатида ҳам иштирок этиб, қувончли натижаларни қўлга киритди.

12 октябрнинг тонги! Пусандаги ўзбек байдаркачилари ҳаётида юлдузли онлар.

– Одатда яккалик, жуфтлик ва тўртталик чиқишлар оралиғида бир соат вақт бўлади, – тушунтиради бизга Юлия. – Албатта, ҳамма масофалар бўйича сузиш мумкин. Бироқ зиммангда катта масъулият бўлгандан кейин кучингни тақсимлашни ҳам билишинг даркор. Қолаверса, ўзингни қайта тиклаб олиш учун вақт қолдиришинг шарт. Шу туфайли мен жуфтликда қатнашмадим. Яккалик баҳсда хитойлик қизни олдинга ўтказиб юбордим. Тўртликда эса Татьяна Левина, Таня Москалева, Надя Пишчулиналар бидан бирга ўтирдим. Бизнинг бош рақибларимиз хитойликлар эди. Аммо уларни ҳам ортда қолдириб, маррага биринчи етиб келдик.

– Қайиқларингизда йўлбошчи ким? Менимча, тажрибали Левина бўлса керагов?

– Йўқ, тўртликда биз ҳаммамиз бирдай ҳаракат қиламиз, бир-биримизга ўргатамиз, ўрганамиз. Фақат бир қарорга келиш олдидан сўраймиз: «Таня, сен нима деган бўлардинг?». Ахир унинг маҳорати ҳам, тажрибаси ҳам юқори. Умуман айтганда, бизни ягона мақсад бирлаштириб туради. Якка ҳолда ҳар ким ўзи учун қуяди. Аммо тўртликда қувонч ҳам, алам ҳам ягонадир. Бундан ташқари ортингда юртдошларингнинг нигоҳини, илинжини ҳис этсанг, энг асосийси, орқангда Ватан турганлигини англасанг қон томирларингда ботиний бир куч пайдо бўла бошлайди.

– Спортнинг бошқа тури билан ҳам шуғулланишинг мумкинми?

– Менимча, жамоавий спорт ўйинларида қатнашсам бўлар. Аммо мен гўё байдарка учун туғилгандай сезаман ўзимни.

– Сизлар оилада икки фарзандми?

– Йўқ, опам ҳам бор, у ҳам спортни яхши кўради, бизнинг муваффақиятларимиздан қувонади. Уни қувонтириш биз учун ҳам ёқимлидир.

Биз Юлия билан хайрлашаётганимизда у «Мен Тошкент вилояти вакиласиман, буни, албатта, таъкидлаб ўтинг» деб қолди. Ўз туғилган юртинг, маҳалланг қанчалик азиз одамга. Ватан остонадан бошланади, дейдилар. Маълум бўлишича, чемпионлик ҳам остонадан оёқланар экан.

С.ДАНИЛОВ.

СУРАТДА: *чемпионлар тўртлиги – Антонина Москалева, Юлия Борзова, Татьяна Левина, Надежда Пишчулина (чапдан ўнгга)лар олтин манзилдан сўнг.*

Анвар ИЛЬЯСОВ («Жаҳон»АА) олган сурат.

Бразилия адиби Паоло Коэло номи дунё адабий жамоаси орасида бирдан машҳур бўлиб кетди: ҳамманинг тилида унинг "Алкимёгар" романи. Икки кам олтмиш ёшлик адибнинг ҳозиргача "Алкимёгар", "Вероника ўлим орзусида", "Нур Аскарнинг ноласи", "Бешинчи тоғ" романлари чоп этилди. "Алкимёгар" илк бор Рио-де-Жанейрода 1990 йилда нашр этилган эди. Ҳозиргача бу асар дунёнинг 117 мамлакатида чоп этилди. "Бешинчи тоғ" романи босилгач, "Ҳозир ёзув-чизувни, компьютерни билмаслик қанчалик уят бўлса, Паоло Коэло асарларини ўқимаслик ҳам шунчалик кечирилмас ҳолдир", – деган гап пайдо бўлди. "Ёзувчи" газетаси "Алкимёгар"-ни ўзбек тилида чоп эта бошлади, ёхуд мазкур асар 118 мамлакатда чоп этилди дейиш мумкин.

Аҳли жаҳон ўқиётган асар

118 мамлакатда чоп этилди

"Алкимёгар" – кичкинагина асар. Қаҳрамони 16-17 ёшлардаги бўз бола – чўпон. Бўз бола ҳаётидаги қисқагина фурсатни акс эттирган асарнинг сир-асрори, жумбоғи нимадаки, у аҳли жаҳон қалбини ром этиб, асарга бўлган қизиқиш тобора ортиб бораётган бўлсин?

Қадим-қадимдан алкимё Буюк Ижодга асос бўлган фан ҳисобланган. Шу фан заҳматкашлари ўлимга чора топганлар – Мангу Ҳаёт сувини кашф этганлар. Кимёгар уламо Мангу Бойлик Калитини топган – Фалсафа тошига асос солган. Фанлар фани – Алкимё фалсафаси Зумрад узук кўзига битилган – жо бўлган экан, бутун бошли асарда инсониятнинг орзу-умидлари, интилишлари нечук ўз ифодасини топмасин?! "Алкимёгар" – бугунги кун асари. Унда глобаллашув муаммоси, Инсоният тақдири, истиқболи масаласи санъат – руҳият – тарих – фалсафа – ахлоқ –эстетика бирлиги, боғлиқлигида бадиий ҳал қилинган. Роман қисқа, лекин лўнда ривоятлардан; имо-ишоралар, аломату нишоналардан; набодот, жамодот, ҳайвонот аро узвий боғлиқликдан; тунда чарақлаб турган юлдуз билан Саҳрои Кабирдаги бир дона қум зарраси аро боғлиқликни кўра билиш ва моҳирона тасвирлашдан пайдо бўлган асардир.

Романдаги Лўли хотин; Мелхисодиқ қиёфасида намоён бўлган хизирваш сиймо; донишманд дўкондор – биллурфуруш; Саҳрои Кабирдан карвонни соғ-омон олиб ўтган сарбон; оқ отга миниб, афсонавий қаҳрамонлардай виқор билан пайдо бўлган Кимёгар; умрини кутиб титишу алкимёда кашфиёт яратишга бағишлаган Англияли сингари қаҳрамонларда Ўтмиш ва Бугунги кун бирлашиб, туташиб кетган.

"Алкимёгар" – реалистик асосга тахайюл, саргузашт, мистика, қисман, детектив, дидактика арқоғлари чатишиб кетган роман. Паоло Коэло Одам ва Олам аро бирлик, боғлиқликка алоҳида урғу беради. Одамлар қалби ўта нозик, мураккаб йўллар орқали Олам Қалби билан туташиб кетади. Ёшлик чоғида одам қалби Олам қалби билан тез топишади. Асар қаҳрамони Сантьяго – содда, ишонувчан, қалби тоза бўз бола. Юқорида номларини санаб ўтганимиз – қаҳрамонлар Бўз болага ҳавас билан қарайдилар. Таъбир жоиз бўлса, тажрибали, қилни қирқ ёрган қаҳрамонлар ҳаёт ўйинидан чиққан одамлар. Сантьяго эса ҳаётга завқ-шавқ катта мақсад, ишонч билан кириб келяпти. Катта мақсад, ҳаракат уни олға бошлайди: тушида икки бор кўргани – Миср эҳромлари пойига кўмилган хазинани қўлга киритишга ундайди. Бўз бола йўлида пайдо бўлган кишилар унга йўл-йўриқ кўрсатадилар: қаҳрамонга устозлик қиладилар.

Романдаги асосий масалалардан бири Устоз ва шогирдликдир. Ҳаёт қонунияти шажара ва Устозу шогирдликка асосланган. Асардаги асосий Кимёгар етти пушти, хили хишти кимёгар ўтганини ғурур билан айтади. Минг-минглаб алкимёгарлар нега мақсадга эришмаганлар? Чунки улар тошни олтинга айлантиришнигина мўлжаллаганлар. Ваҳоланки, фақат мақсад эмас, мақсадга элтувчи йўл ҳам муҳим, муқаддасдир. Маъдан, тош оловда тоблана-тоблана заъфарон тус олади, олтинга айланади. Алкимё йўлига кирган мурид оловга тикила-тикила руҳидаги нораво белгилардан фориғ бўлади – заъфарон тусга киради, руҳий-маънавий расоликка эга бўлади.

Романдаги воқеалар Андалусияда бошланиб, Миср эҳромлари пойигача етиб келади. Асарда насроний, мусулмон, оқ танли, қора танли, бадавий, шаҳарли, халқ вакили ҳам, уруғ намояндаси ҳам иштирок этади. Қаҳрамонларнинг ким, қаердан эканлиги муҳиммас. Дунё қалби, Олим Тили бор: мана шу жиҳат одамларни бирлаштиради. Олам билан Одамларни имо-ишоралар, аломату нишонлар, иримлар, тотемлар ўзаро яқинлаштиради. "Алкимёгар"да туш таъбири, ишоралар талқини муҳим ўрин эгаллайди. Асар қаҳрамони чаласавод, ғўр бўз бола – Сантьягода камдан-кам одамга берилган истеъдод, хусусият бор: унинг тушлари ўнгидан келади, гайбни кўриш қуви бор. Унинг яна бир фазилати-неккадамлик. Сантьягони ишга олиши билан Биллурфурушнинг ишлари юришиб кетади. Англиялининг омади чопиб қолади. Бу хусусиятлар мактуб – ёзув – пешонадаги битик дейилади.

Роман асосида Тақдир Азалга риоя қилиш масаласи туради. Шунинг учун ҳам Биллурфуруш армон билан Сантьягога дейди: Мен энди сира ҳажга боролмайман. Сен эса энди ҳеч қачон чўпонлик қилмайсан.

Бош кимёгар бир қулоч капча илонни моҳирлик билан қўлларида ўйнатади. Заҳарга, кучга тўла илон инсон билан олишади. Кимёгар ханжари билан доира чизади: илонни доирага ташлайди. Дарёдай тўлиб-тошаётган илон доира ичида тинчиб, писиб қолади. Кимёгар доирасини ўчириб ташлаши ҳамон илон шитоб билан тошлар орасига кириб кетади. Инсон ҳам мактуб – ёзув доирасидан чиқиб кетолмайди. Олам Қалби билан Инсон қалбини ўзаро яқинлаштирадиган восита муҳаббатдир. Сантьяго Фотима исмли қизни севиб қолади. Бу севги уни мақсад сари етаклайди. Оташин муҳаббат боис Сантьягога Олам Қалбини очади. Севги билан Мақсадга интилаётган Бўз бола ғайритабиий куч-қувватга эга бўлади, ғойибдан етказилган ёрдам туфайли уч бор ҳалокатдан қутулиб қолади. Паоло Коэло муҳаббатни ҳаёт тирғаги, ҳаракат манбаи, ишораю белгилар маъносини очиб берувчи куч даражасига кўтаради.

Асарда ўтмиш билан ҳозирги кун узвий боғлиқликда тасвирланадики, бу мураккаб ҳолатни ишонарли тасвирлашда ёзувчи маҳорати ўз кучини кўрсатади. Китоб енгил ўқилади, соддалик – самимийлик диққатни тортади, лекин мана шу енгил ўқилиши, содда – самимийлик заминида санъаткор уқуви, юксак диди, бетакрор услуби намоён бўлади.

"Алкимёгар" қитъаларда, турли юртларда ўқилаётган экан, демак у ҳар хил тушунча, эътиқоддаги кишилар қалбига йўл топяпти. Оламу Одам, Ўтмишу Ҳозирги кун аро узвий боғлиқликни – Қалб, Тил, Ижод, Мактуб (Тақдир)ни ким яратган, Бору Бир яратган. Беандоза, йўқдан барпо этган. Ўйлаб кўрилса, асил Кимёгар ким? Нега ўтмишда алкимё фанлар фани ҳисобланиб, етук олиму уламолар алкимёгар кўринишида намоён бўлганлар? Олам Асил Кимёгарнинг фаолият майдони, Одам эса ҳам фалсафа тошию, Тириклик элексири – Буюк Ижод маҳсули эмасми?.. Хуллас, "Алкимёгар" узоқ ўтмиш, кўп нарса-ҳодисалар ҳақида мушоҳада юритиш имконини беради.

Абдуғафур РАСУЛОВ,
адабиётшунос.

АКСЕЛС муаллимларга қўл берди

Бухорода АКСЕЛС - Америка халқаро таълим кенгаши танловининг якуний босқичи бўлиб ўтди. Ушбу минтақавий танловда Навоий, Бухоро, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларидаги мактабларнинг инглиз тили ўқитувчилари иштирок этди.

Умумтаълим мактаблари ўқитувчи ва ўқувчилари ўртасида ўтказиб келинаётган анъанавий АКСЕЛС танловидан мақсад инглиз тили мутахассислари ҳамда ўқувчиларнинг билим ва малакаларини оширишдан иборат.

Уч нафар бухоролик, икки нафар қашқадарёлик ва бир сурхондарёлик ўқитувчи танлов ғолиби деб топилди. Ғолиб муаллимлар компьютер, нусха кўчириш ускунаси, инглиз тилидаги ноёб адабиётлар билан тақдирланди.

Ғолибларни тақдирлаш маросимида АКСЕЛС нинг Ўзбекистондаги директори Эрик Жакоб ва бошқалар сўзга чиқиб, сўнгги йилларда Ўзбекистон ва АҚШ ўртасида дўстлик, ўзаро ҳамкорлик ришталари кучайиб бораётгани ва бу жараёнда АКСЕЛСнинг ўрни ҳақида фикр билдирди.

Илҳом САФАР,
ЎзА мухбири.

СИЗНИНГ БИЗНЕСИНГИЗ УЧУН ЯНГИ ИМКОНИЯТЛАР

NBU

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ

кичик ва ўрта бизнес корхоналари учун энг яхши бизнес ғоя учун танлов эълон қилади:

- *Лойиҳа маблағида лойиҳа ташаббускорининг 25% дан кам бўлмаган миқдорда ўз сармояси билан иштирок этиши;*
- *5 млн.долларгача бўлган импорт контрактининг банк томонидан молияланиши.*

Энг яхши лойиҳа ғоялари Миллий банк иштирокида, АҚШ «Эксимбанк»и кредити доирасида амалга оширилади.

Лойиҳа ғояларини топширишнинг сўнгги муддати – 2002 йил 1 декабрь.

Қўшимча маълумотлар учун «Ўзмиллийбанк»нинг кичик ва ўрта бизнес бош бошқармасига мурожаат қилиш мумкин.
Мулоқот учун телефонлар: 137-62-73,137-63-48.
www.nbu.com

«ЎЗБЕКИСТОН ТЕМИР ЙЎЛЛАРИ» ДАТК

"Lok Kolor Sintez" QK

ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИ КОРХОНА

Лак-бўёқ маҳсулотлари таклиф этади:

Қурилиш эҳтиёжлари учун:
- ✓ уй ичларини бўяш учун акрил вододисперсион бўёқлари;
- ✓ ташқи деворлар учун бўёқлар;
- ✓ том учун бўёқлар;
- ✓ алкид ва акрилат эмаллари;
- ✓ полларни бўяш учун бўёқлар;
- ✓ ёғоч ва бўялган юзаларни қоплаш учун лаклар;
- ✓ мебель учун рангли лаклар;
- ✓ грунтовка ва шпатлевкалар;
- ✓ L 80, 100, 120мм.ли михлар;
- ✓ эмульсиявий,силикатли елим.

Саноат эҳтиёжлари учун:
- ✓ универсал алкид бўёқлари;
- ✓ том учун бўёқлар;
- ✓ алкид-уретан эмаллари;
- ✓ акрилат эмаллари;
- ✓ мебель учун рангли лаклар;
- ✓ грунтовка ва шпатлевкалар.

Тўлов - пул ўтказиш йўли билан.

Ўзи ишлаб чиқарган тикувчилик маҳсулотлари

ИШ КИЙИМЛАРИ:
- узун енгли эркаклар иш костюми;
- калта енгли эркаклар иш костюми;
- эркаклар ярим комбинезони;
- аёллар ярим комбинезони;
- аёллар иш бермудалари;
- аёллар иш фартуклари;
- эркаклар учун иссиқ иш курткалари;
- йўл хизмати ходимлари жилети;
- аёллар тиббий халати;
- эркаклар тиббий халати;
- эркаклар иш халати;
- ошпазлар курткаси;
- ошпазлар бош кийими;
- ички кийимлар;
- қўлқоплар,

шунингдек, мижозлар буюртмасига кўра, бошқа махсус кийимлар.

Кўрпа-ёстиқ буюмлари:
- кўрпа жилдлари;
- чойшаблар;
- турли ўлчам ва рангли ёстиқ жилдлари;

шунингдек:
- дастурхонлар;
- дастурхон ва 6 та ип газламали салфетка;
- ип газламали салфетка;
- 85х50 ўлчамдаги сочиқлар.

Сифатли хорижий хомашёдан тайёрланган, конструкцияларни қўлда ёйсимон пайвандлаш учун мўлжалланган

МР-3 русумли ЭЛЕКТРОДЛАР

Тошкент ш., «Фарғона йўли» к., 13/22. Телефонлар: (998-71) 191-47-41, 191-80-94. Факс: (998-71) 191-74-63. E-mail: lokcolor@online.ru Web site: UZBEKISTON.h1.ru

«Халқ сўзи»
«Народное слово»

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Аббосхон УСМОНОВ

Таҳрир ҳайъати:
Э. БОЛИЕВ (масъул котиб – «Халқ сўзи»),
М. ЕГОРОВ
Ш. ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари – «Халқ сўзи»),
М. МИРАЛИМОВ,
С. МУҲИДДИНОВ,
Ш. РИЗАЕВ,
М. САФАРОВ,
Р. ФАРҲОДИЙ,
И. ХУДОЁРОВ,
И. ШОҒУЛОМОВ,
О. ҚАИПБЕРГЕНОВ (бош муҳаррир ўринбосари – «Народное слово»),
Ў. ҲОШИМОВ.

БЎЛИМЛАР:
Ижтимоий-сиёсий ҳаёт – 133-57-34; 133-78-92
Иқтисодиёт – 136-36-65; 132-10-65
Маънавият ва маърифат – 136-35-60;
Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар – 136-29-89, 133-07-48;
Фан, соғлиқни сақлаш, таълим ва туризм – 132-12-08;
Янгиликлар ва халқаро ҳаёт – 132-11-15;
Котибият – 133-10-28;
Эълонлар – 136-09-25.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00001-рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г – 977, 27225 нусхада босилди, ҳажми – 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А–2.

Газета таҳририят компьютер базасида терилди ҳамда операторлар Ж. ТОҒАЕВ ва З. БОЛТАЕВ томонидан саҳифаланди.

Навбатчи котиб – Ю. ҲАМИДОВ.
Навбатчи муҳаррир – Г. ЙЎЛДОШЕВА.
Навбатчи – Б.ОСТОНАҚУЛОВ.
Мусаҳҳиҳ – Ш. МАШРАББОЕВ.

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.
[t] – тижорат материали.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

Босишга топшириш вақти – 21.00.
Топширилди – 21. 30.
1 2 3 4 5 6

«ХАЛҚ СЎЗИ»га
ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
9.00 дан 18.00 гача
136-09-25
132-10-63
256-хона

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси қўмита раисининг ўринбосари А.Тўхташевга укаси **Исматулла ТЎХТАШЕВнинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Соғлом авлод учун» Халқаро хайрия жамғармаси бошқаруви ва жамоаси жамғарманинг Тошкент вилояти бўлими директори Гулсанам Вахоповага умр йўлдоши **Ботир ЁДГОРОВнинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармаси Марказий Кенгаши жамғарманинг Самарқанд вилояти бўлими раиси **Шакар ФАЙЗИЕВнинг** вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.